

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Умар ХАЙЁМ

**ТИРИКЛИК
ТИЛСИМИ**



ТОШКЕНТ — «O‘ZBEKISTON» — 2012

@Badiiykitoblar

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5Тож) - *Тошкик араб.*
У-47

Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,

филология фанлари номзоди

Умар Хайём.

У-47 Тириклик тилсими / Х.Умар. — Тошкент:
O'zbekiston, 2012. — 160 б. — (Жаҳон шеърिया-
ти дурдоналари).

Умар Хайём ва рубоий эгизак тушунчаларга айланиб кетган: Хайём номи тилга олинганда барчанинг кўз олиндида Шарқ мумтоз сўз санъатининг энг машҳур жанри рубоий гавдаланса, рубоий деганда бу жанрнинг беназир устаси Умар Хайём намоён бўлади. Олам ва одам муаммолари ўзининг теран фалсафий талқинини топган бу бадиий юксак рубоийлар Шоислом Шомуҳамедов, Жамол Камол, Эргаш Очилов каби бир неча авлод таржимонлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизнинг кўнглидан чуқур жой олган.


Ҳозиргача асосан бармоқ вазнида таржима қилиниб келган бу рубоийларнинг Эргаш Очилов томонидан ўз анъанавий вазнига солиб ўтирилган мазкур тўпламдаги намуналари ҳам ўзининг арузий мусиқаси ва жарангдорлиги билан ўқувчилар кўнглига йўл топади, деб ўйлаймиз.

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5Тож)

ISBN 978-9943-01-869-3

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012



N1 31708
29



ХАЙЁМ РУБОЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛҚИНЛАРИ

I

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий 1048 йил 18 майда Нишопурда чодир (хайма) тикувчи касиб оиласида туғилади (Унинг таҳаллуси ҳам отаси шуғулланган касб номидан олинган: Хайём — чодир ясовчи уста, чодир тикувчи, чодирчи). Ёшлигида Балхга келиб, ўша даврнинг таниқли уламоларидан Муҳаммад Мансур қўлида таҳсил олади. Салжуқий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар авжга минган даврда Балхни тарк этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир, кейин Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қорахоний даргоҳида яшайди. У ҳақда маълумот берилган деярли барча қадимги қўлёзмаларда фавқулодда истеъдоди, кучли қувваи ҳофизаси ва олдиндан башорат қилиш қобилияти хусусида сўз боради. Чунончи, «Исфаҳонда эканида бир китобни етти дафъа ўқуған. Нишопурга қайт-

ганда шуни ёддан ёзган. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаган»¹.

Умар Хайём 26 ёшида салжуқий ҳукмдор Жалолиддин Маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомулмулк даъватига биноан Исфажонга келиб, расадхона ташкил этади. Расадхонада фаолият кўрсатган олимлар Хайём бошчилигида 1074—1079 йиллар мобайнида янги ва нисбатан мукамал йил тақвимини ишлаб чиқардилар. Бу тақвим Европада ундан 500 йил кейин жорий қилинган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Умар Хайём илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг ҳассос ва садоқатли шогирди ҳисоблаган. Ибн Сино асарларини тушунмаган кишилар уларни изоҳлаш ва шарҳлашни Хайёмдан сўраганлар. У устозининг бир қатор асарлари (жумладан, «Хутба» фалсафий рисоласи) ни арабчадан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб беради, унинг гоё ва қарашларини давом эттиради ҳамда тарғиб қилади. «Рисолат ул-кавн ват-таклиф» («Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида намоён бўлади.

¹ *Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём // Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: «Маънавият», 2000, 146-бет.*

1077 йилда у юнон олими Эвклид китобидаги бир неча геометрик шакллари шарҳлаб ёзган «Рисола фи шарҳи мо ашкала мин мусодарат китоб ул-Иқлидис» («Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола») асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари кўрсатиб берган. «Рисола фи-л-бароҳийн ала масойил ал-жабр ва-л-муқобала» («Алгебра ва муқобала (қаршилиқ назарияси) исботлари ҳақида рисола»), «Мушкулот ул-ҳисоб» («Арифметика мушкулотлари») асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида кенг шарҳлаш билан бирга, уларнинг қарашларини ривожлантирган, математик, физик тенгламаларнинг муодилларини топган. Байҳақийнинг лутф этишича, у айниқса фалсафий илмлар, математика ва мантиқни жуда ўзиники қилиб олган эди.

XII аср форс-тожик насрининг нодир намунаси ҳисобланган «Наврўзнома» асарида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам билан боғлиқ анъана ва маросимлари кенг ёритилган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

Қисмат ўйинини қарангки, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюк кашфиётлари бир чеккада қолиб, у илмий изланишларидан чарчаган пайтларида турли дафтарларнинг ҳошияларига битган ва иккинчи даражали ҳисоблаган рубоийлари Хайём номини дунёга танитди.

II

Умар Хайём рубоийларида фикр қанча теран, мазмун қанча чуқур, мушоҳада қанча кенг, фалсафа қанча салмоқли бўлса, ифодаси шунча содда, тушунилиши шунча осон, ўқилиши шунча энгил, таъсири шунча кучли. Аввал тафаккурда туғилиб, кейин қалб қўрига йўғрилган Умар Хайём рубоийлари, бир сўз билан айтганда, олам ва одам ҳақида. Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиқлик, таассуф аралаш лоқайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришки қўлингдан келмас экан, уни деб қайғуриш беҳуда. Унинг учун туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат... ҳаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади.

Бу рубоийлар ҳаётийлиги, реал инсоний интилишлар, дарду туйғуларни акс эттиргани учун ҳам кўнгилга яқин. Шоир ҳақиқатнинг кўзига тик қараб гапиради. У дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, тирикликнинг маъноси хусусида аниқ-тиниқ фикр юритади. Бу рубоийлар шоирона тасаввур-тахайюл, мавҳум самовий хаёллар, анъанавийлик, романтика маҳсули эмас, балки қайноқ турмуш тафтида пишган ҳаётий кечинмалар ҳосиласи.

Умар Хайём нигоҳи билан дунёга боқсак, бир ўзгача манзаранинг гувоҳи бўламиз: оёғимиз остидаги тупроқ — «ота-боболар хоки», «сулувлар кўзининг қорачиғи»; гулу кўкатлар — бир маҳаллар «гўзал бир чеҳра» бўлган; шабнам — «моҳлиқолар юзидаги тер» эса, чанг — «санамлар оразини қоплаган гард». Ҳеч нарса бегона

эмас, ҳаммаси кўнгилга яқин — барчаси ўзимизники!

Табиатда бўлгани сингари ҳаётда ҳам ҳамма нарса — туғилиш ва ўлим, шодлик ва қайғу, ёшлигу кексалик, орзую армон... ўзаро ўрин алмашиб туради. Шу сабабли, айтайлик, кўклам кайфияти ҳады этган оний сурурдан илҳомланиш шоир учун нишоннинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи — юракни кўтаринки ҳисларга тўлдирган бу қувончнинг, бу шукуҳнинг ўткинчилиги. У ҳар қандай қувонч қатида қайғу, ҳар қандай ғам ортида шодлик кўради.

Лаҳза — Хайём ижодида кенг ишланиб, образ даражасига кўтарилган. Унингча, бу дунё қошида, мангулик қаршисида бизнинг умримиз — ялт этган бир лаҳза. Ўз навбатида, инсон ҳаёти олдида туғилишу ўлим, қувончу қайғу, орзу-интилиш — ҳамма-ҳаммаси лаҳза қатига жо. Лекин инсон лаҳзада абадиятни кечирishi, ҳатто уни яратиши мумкин. Унинг буюклиги шунда.

Вақтни мангуликка муҳрласа бўлади. Бунинг учун ўтаётган ҳар бир лаҳзанинг қанотига нимадир илиб улгуриш керак. Чунки елкасида юки бор лаҳзалар абадият, икки қўли бўм-бўш дақиқалар эса йўқлик сари равона бўлади.

Ҳа, вақтдан бўлак ҳамма нарсани топса, қўлга киритса бўлади. Баҳор қайтади, майсалар ниш уради, гуллар ҳар йили очилаверади, булбуллар сайрайверади, лекин инсон «ўргач, қайта кўкармас гиёҳ», у «олтин эмас, кўмганларидан кейин

қайта қазиб олишмайди». Шу тариқа, Хайём рубоийлари асосида дунёнинг ўткинчилиги, бинобарин, умрнинг қадрига етиш, ҳар дақиқани ғанимат билиш, чунки ўтган лаҳзанинг ортга қайтмаслиги, инсонга ҳаёт бир марта берилганлиги, шундай экан, шод-хуррам яшаш кераклиги каби ғоялар ётади. Бунинг учун у инсоннинг ўлиши, ўлгандан сўнг тупроққа айланиши, бу тупроқдан кулол кўза ясаши, кўзага май қуйилиши сингари тимсол-тушунчалардан кенг фойдаланади. Ҳар қандай мавжудот пайдо бўлиши, ўсиб-униши ва заволга юз тутиши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши — ҳаёт абадулабад шу тарзда давом этиши бу рубоийларнинг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳаётдаги бир лаҳзалик қувончни қўлдан чиқармасликка, хуш-хурсанд яшашга, тирик туриб ўзига қабр қазимасликка даъват шоир рубоийларида қизил ип бўлиб ўтади.

Кулол, кўза, тупроқ... Хайём ўз ижодида қайта-қайта мурожаат қиладиган образлар. Улар восита-сида файласуф шоир, кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганидек, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишинигина ифодаламайди. Шоир дунё-қарашидаги энг дардли нуқталар боғлиқ бу образлар билан. Унинг талқинича, инсон — жисм ва руҳнинг буюк бирлиги. Лекин у ўлади, тупроққа айланади, бу тупроқдан кўза яшаш мумкин, афсуски, кўза ҳеч қачон одамга айланмайди.

Умар Хайём май куйчиси сифатида машҳур. Лекин май мумтоз шеъриятда кенг ишлан-

ган анъанавий тимсол бўлиб, у орқали, бир томондан, илоҳий муҳаббат тараннум этилса, иккинчи томондан, ҳаёт лаззатлари улуғланади. Аслида Хайём рубоийларида ўзининг юксак такомилга етган кўпгина образ ва мотивлар салафлари ижодида у ёки бу даражада ишланган эди. Жумладан, май мавзуси ҳам дастлаб Рудакий ва унинг издошлари ижодида учрайди. Ёки май абадий умр гарови, ёшлик завқининг сармоёси, ғамни маҳв этувчи омил эканлиги ҳақидаги фикрлар, соқий, жоми Жам, май соқийси каби тимсол ва истилоҳлар, май ичиш шоҳ, донишманд ва ринд кишиларга раво эканлиги тўғрисидаги тавсиялар Ибн Сино рубоийларидаёқ мавжуд. Азрақий, Муиззий, Адиб Собир Термизий каби салжуқийлар саройи шоирлари ҳам майни таъриф этганлар. Лекин бу шоирлар ижодида май ҳали тимсол даражасига кўтарилмаган эди. Ҳаётдан лаззатланиш, ҳар бир дақиқани напъу намога тўлдириб, умрни хуш-хуррам ўтказиш гоёларини ҳеч бир шоир Умар Хайёмдай авж пардаларда қойилмақом қилиб куйлай олмаган.

III

Умар Хайём ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Фақат рубоий ёзган ёки ижодида рубоий етакчи ўрин тутган кўплаб рубоийнавис шоирлар етишиб чиққан. Чунончи, Фариддин Атторнинг «Мухторнома»си 5000 та рубоийни ўз ичига олади. Мирзо Бедил 3861 та рубоий

ёзган. Абдуллоҳ Ансорийга 2000 дан зиёд рубоийни нисбат берадилар. Жалолиддин Румий девонида 1994 та, Авҳалиддин Кирмоний девонида 1807 та рубоий мавжуд. Амир Хусрав Деҳлавий рубоийлари 700 тадан 1000 тагача деб кўрсатилади. Соммирзо Сафавийнинг Шайх Рубоий номли шоир (XVI) ҳақида ёзишича, у «шеър навларидан рубоийга ниҳоятда майл кўрсатган ва шунинг учун уни Шайх Рубоий дейдилар». Мутрибий Важеҳий Ахсикатий мероси ҳақида тўхталар экан, «ёзганлари асосан рубоий эди» деб маълумот беради ва Ҳаким Рукноий Кошоний ижоди ҳақида ҳам «кўпроқ рубоий жанрида қалам тебратарди» деб қайд этади. Бундай маълумотни Мутрибий Азизий Самарқандий хусусида ҳам келтиради¹. Ҳиндистонда Файзи Фаёзий «Хуршиднома» номли рубоийлар девони тузган бўлса, Саҳобий Астрободий «иккинчи Хайём» деб улуғланган².

Умар Хайём рубоийлари дунёнинг деярли барча асосий тилларига таржима қилинган. Илк бор 1859 йили Эдуард Фитцжеральд томонидан инглиз тилига ўгирилган шоирнинг 75 рубоийси XIX асрнинг ўзида катта ададларда 25 марта, 1925 йилгача 139 марта нашр этилган. Бутун Британияда Хайём рубоийлари кириб бормаган хонадон қолмаган, Хайём клублари очилган. Кейинчалик унинг сафини А. Арберри, Ф. Розен, Уинфильд,

¹ Қ а р а н г : Каримов У. Адабиёти тожик дар асри XVI. Душанбе, 1985. С. 186.

² Бу ҳақда қаранг: Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. Тошкент: «Фан», 1979, 74-бет.

П. Эйври, Ж. Хезетабз каби мутаржимлар тўлдирган ва рубойлар миқдори 100 тадан 1000 тагача етган бўлса-да, Фитцжеральд таржимасининг шуҳрати асло камаймади, билъакс у ноёб нашрга айланиб, XX асрнинг бошида унинг бир нусхаси 8 минг долларга баҳоланган. 1912 йили ҳалокатга учраган «Титаник» кемаси бортидаги Хайём рубойлари тўплами ҳам мазкур нашрнинг бир нусхаси бўлиши эҳтимол¹. Айнан Умар Хайём тўфайли рубойи жаҳон сўз санъатининг машҳур жанрларидан бирига айланди. Машҳур шарқшунос М.И. Занднинг лутф этишича, ўзининг оламшумул шуҳрати учун бу жанр ер юзидаги барча минтақаларнинг илму адаб аҳли ҳамма форсий шоирлардан кўра кўпроқ биладиган Умар Хайёмдан миннатдор бўлиши керак².

Америкада Умар Хайём рубойлари асосида театрлаштирилган сахна асари, Лондонда махсус хайёмхонлар саройи мавжуд. Уларда шоир рубойлари ҳам аслида, ҳам таржимада бадиий сўз усталари, моҳир нотиклар томонидан ўқилади. Шарқда бундай сахна асари³ — «ўз-ўзим билан суҳбат» Тожикистон Халқ артисти Маҳмуджон

¹ Бу маълумотлар ҳақида қаранг: *Комилов Н.* Хайёмнома // Тафаккур карвонлари. Тошкент: «Маънавият», 1999, 163—174-бетлар; *Эгамбердиев Ш.* «По книге бития гадал и я о судьбе...» // *Фан ва турмуш*, 2005, 4—5-сонлар, 35—36-бетлар.

² *Занд М.И.* Шесть веков славы. Москва, 1964. С. 117.

³ Бу ҳақда қаранг: *Ҳомидий Ҳ.* Кўҳна Шарқ дарғалари. Тошкент: «Шарқ», 1999, 82-бет.

Воҳидов томонидан яратилган. Шерали Жўраев, Фаррух Зокиров, Гулбаҳор Сулаймонова каби ўзбек санъаткорлари ҳам Умар Хайём рубоийлари асосида қўшиқлар яратганлар.

IV

Умар Хайём рубоийларини XX аср бошларидан ўзбек тилига таржима қилишга киришилган. Олимжон Идрис 1914 йили «Шўро» журналининг 4-сонида шоирнинг бир неча рубоийсини мисрама-мисра таржима қилиб нашр эттиради. Журналнинг 1917 йилдаги 2-, 4-, 13-, 14-сонларида «М.С.И.Ч.» имзоси билан унинг яна бир қатор рубоийлари таржимаси эълон қилинган¹. Абдурауф Фитрат «Форс шоири Умар Хайём» номли рисоласида (1929) унинг 35 та рубоийсини насрий таржимада келтиради². Кейинчалик Фаттоҳ Абдуллаев унинг 14 та рубоийсини шеърий таржима қилади. Умар Хайём рубоийлари таржимаси асосан форс-тожик адабиётининг билимдон тадқиқотчиси ва моҳир таржимони Шоислом Шомуҳамедов номи билан боғлиқ: файласуф шоир рубоийлари унинг таржимасида бир неча марта босилиб чиқди ва халқимиз орасига кенг кириб борди. Шоир ва таржимон Нусрат Карим ҳам унинг бир неча рубо-

¹ Бу ҳақда қаранг: Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Тошкент: «Фан», 1965, 192—193-бетлар.

² Қаранг: Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём, 157—169-бетлар.

ийларини таржима қилган. Сўнгги йилларда Умар Хайём рубоийлари таниқли шоир ва мутаржим Жамол Камол ва ушбу сатрлар муаллифи томонидан арузда — ўзининг анъанавий вазнида таржима қилина бошлади.

Маълумки, вазн — рубоий учун жанрни белгилаш даражасидаги муҳим омил. У аруз шеърий тизими ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида — уларнинг 24 тармоғидагина ёзилади. Бошқа ҳар қандай ўлчовга солинса, у рубоий эмас, балки қитъа ёки тўртлик деб аталади. Лекин рубоийнинг бундай нозикликлари билан бирга, ўз имкониятлари, қулайликлари ҳам бор. Чунончи, бир неча вазн бир рубоийда ўрин алмашиб келиши мумкин, ҳатто ҳам ахрам, ҳам ахрабда битилган рубоийлар мавжуд. Бу мазмунга таъсир қилмайдиган эмас, балки бир мусиқий оҳанг, бир шеърий руҳ доирасида айлангани учун ритмни ҳам айтарли ўзгартирмайди. Афсуски, форс-тожик мумтоз шоирлари ва форсийзабон ватандошларимиз рубоийларини ўзбек тилига таржима қилишда жанрнинг ана шу хусусияти эътибордан четда қолиб, аруз асрлар давомида форсий сўз санъати каби туркий шеъриятнинг ҳам асосий ўлчов бирлиги бўлиб келгани, рубоий жанри ўзбек адабиётида ҳам етарли даражада ишлангани, Навоий ва Бобур бу борада ҳам устод мақомига кўтарилганликларига қарамай, бизда рубоий таржимачилиги учун бармоқ вазни (асосан 11 ҳижоли бармоқ вазни) асос қилиб олинди.

Ҳолбуки, жанр эътибори билан «ҳис ва фикрларнинг қаймоғи»ни (Н. Комилов) ўзида жамлаган рубоий таржимасида фалсафий мазмунни акс эттириш ҳам, уни мувофиқ шаклда ифодалаш ҳам бирдай муҳим. Шунинг учун ҳам, айтайлик, Огаҳий Саъдий «Гулистон»ининг ички шеърлари таржимасида фард, қитъа, маснавий каби жанрларнинг «вазн турини ҳам, қофияланиш тартибини ҳам ўзгартириб»¹ ўтиргани ҳолда, рубоийларни ўз вазни билан ўзбекчалаштирар экан, жанр учун вазннинг асосий омил ҳисобланишини ҳам назарда тутган, албатта. Хуршид, Муинзода, Васфий ва Чустий каби мутаржимлар ҳам дастлаб анъанавий йўлдан чекинмаган эдилар. Чунончи, Хуршид Ҳофизнинг 23 та рубоийсини, Муинзода Рудакийнинг қатор рубоийларини ўз арузий вазни билан ўтирган эдилар. Бу тажрибалар муваффақиятли чиққанига қарамай, негадир давом этмади, аксинча, бармоқ вазни афзал кўрилди. Қайтанга, Муинзода, Васфий каби шоирларнинг ўзлари рубоийни бармоқ вазнида ўзбекчалаштириш анъанасини бошлаб бердилар ва бу йўлни форс-тожик адабиётининг билимдони ва забардаст мутаржим Шоислом Шомухамедов қатъият билан давом эттирди. Албатта, рубоийларни бармоқ вазнида таржима қилиш адабиётимизда бутун бир даврни ташкил этадики, унинг аҳамиятидан кўз юмиб бўлмайди.

¹ Саломов Ф., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-китоб. Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 147-бет.

Биз муаззам Шарқ адабиётининг меросхўри бўлган халқлардан биримиз. Шунинг учун форс-тожик адабиётидан таржимада вазн муаммоси йўқ. Чунки «кўп асрлик бой, ранг-баранг шеъриятимиз арузда мужассам, адабий-эстетик анъаналар ва усуллар йўриғидан ўзбек ва форс-тожик шеърияти орасида яқинлик ва муштараклик мавжуд»¹. Айни жиҳатларни ҳисобга олмаслик оқибатида рубоий таржимачилигида назария билан амалиёт орасида узилиш вужудга келди. «Хайём ва бошқа форс-тожик шоирларининг рубоийлари ўзининг арузий вазни эмас, балки бармоқ вазнида таржима этилганлиги сабабли тўрт мисрадан иборат ҳар қандай шеърни рубоий деб ўқувчиларга тақдим этиш расм бўлиб қолди»².

Китобхон ўз мумтоз адабиёти намояндалари рубоийларини анъанавий вазнида, форсий шеърият классикларининг айни шундай асарларини эса тўртликлар сифатида ўқиса, унинг жанр ҳақидаги тушунчасида иштибоҳ пайдо бўлмай-дими? Агар уларни рубоий деб атайдиган бўлсак, «рубоийга янги, асосланган бошқа таъриф беришга зарурат туғилган бўлар эди»³.

¹ Саломов Ф. Таржима ташвишлари. Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 55-бет.

² Комилов Н. Хатолар бор, аммо... // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 15 май.

³ Саломов Ф., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар, 147-бет.

Рубойларни бармоқ вазнида таржима қилиш таржима адабиётида рубойни тўртлик даражасига тушириб қўйган бўлса, оригинал адабиётда турли-туман шоирлар маза-бемаза тўртликларини рубой номи остида тақдим эта бошладилар. Демак, таржимачилигимиздаги бир хато йўл оригинал адабиётимиздаги бир саёзликка олиб келди.

Ўз навбатида, рубойларни арузда таржима қилиш анъанавий йўлда рубой яратишга сабаб бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Чунончи, Ж. Камол мумтоз услубда рубойлар ёзди. Биз ҳам бунга тажриба қилиб кўрдик.

Рубой таржимаси ҳақида гап кетганда барчанинг кўз олдида Умар Хайёмнинг ўзбекча тўртликлари келади. Бу — бежиз эмас. Чунки Хайём рубойлари таржимаси нафақат Ш. Шомухамедов таржимонлик фаолиятининг чўққиси, балки ўзбек таржима адабиётининг ҳам муваффақияти ҳисобланади.

Хайём рубойларининг мазмуни қанчалик чуқур, фалсафаси теран бўлса, услуби шунчалик энгил, тили содда, ифодаси халқона. Бу — Хайём рубойларининг ўзбек адабиётидаги муваффақиятини таъминлаган асосий омил.


Хайём рубойларининг ўзбекча таржималари мисолида фалсафий мазмунни бошқа тилда акс эттириш муаммоси асосан ҳал қилинди, бу борада катта муваффақиятларга эришилди. Бу ютуқлардан фойдаланиш Паҳлавон Маҳмуд рубойлари таржимасида (мутаржимлар — Т. Жалолов, Муинзода, Васфий, Улфат, Боқир) яхши

самара берди. Шу тариқа, XX аср етмишинчи йилларининг ўрталаридаёқ замон талаби, мухлислар истагини теран англаган таржимашунослар Ф. Саломов билан Н. Комилов Умар Хайём ижоди мисолида рубойларнинг «фалсафий-ҳикматона мағзини ўқувчига етказиш муаммоси асосан ҳал бўлганлиги»ни таъкидлаб, ёзган эдилар: «Навбатда турган муаммолардан энг муҳими ва мушқули — бу қуйма тўртликларнинг сеҳрли, мўъжизакор, ёқимтой мусиқасини ҳозирги диди баланд, ашъорфаҳм, талабчан ўқувчига бекаму кўст етказишдан иборат, токи теран фикр нафис шеърий оҳангда жарангласин»¹.

Ҳақиқатан ҳам, рубойларни бармоқ вазнида ўгиришдан мақсад кенг оммани форс-тожик классиклари ижоди, улар асарларининг асосий ғояю мазмуни билан таништириш эди ва бу шарафли юмушга бел боғлаган мутаржимлар ўзларининг таништирувчилик миссияларини ўтаб бўлдилар. Энди навбат рубойини анъанавий вазнини, мумтоз оҳангини, фалсафий-ҳикматона руҳини, бадий тароватини сақлаб ўзбекчалаштиришга!

XX аср шеъриятида бармоқ тизими етакчи шеърий ўлчов бўлиб қолгани ҳамда айни вазнда яратилган шеърият руҳида тарбияланган халқ диди ва талабини ҳисобга олиш рубойларни бар-

¹ Саломов Ф., Комилов Н. Жаҳонгашта рубойлар, 120-бет.



моқ вазнида ўзбекчалаштиришнинг асосий омили бўлгани шубҳасиз. Бунга яна бармоқ вазнида таржима қилишнинг нисбатан осон ва қулайлиги, шунингдек, рубоий таржимачилиги бошланган даврда арузга қарши уюштирилган танқидлар, уни ўтмиш сарқити сифатида бир чеккага суриб қўйишга бўлган уринишлар каби сабабларни ҳам қўшсак, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи англашнинг кучайиши, қадимий қадриятларга, кўҳна меросга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши билан яна қадимий сарчашмаларга қайтиш, рубоийларни ўз вазни билан таржима қилишга уринишлар бошланди. Таниқли шоир ва моҳир мутаржим Жамол Камол Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абдуллоҳ Ансорий, Ҳаким Санойй, Адиб Собир Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийларини анъанавий вазни билан ўгириб, шеърият мухлисларига 1991 йили «333 рубоий» номи билан тақдим этган бўлса, истеъдодли шоир ва заҳматкаш таржимон Матназар Абдулҳаким ҳамюрти Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини арузда ўзбекчалаштирди (1992). Биз салафлар йўлини изчил давом эттириб, 200 дан зиёд форсийзабон шоирнинг 7000 дан ортиқ рубоийсини анъанавий вазнида таржима қилдик — улар «Ишқ дафтари» (2000), «Муҳаббат тароналари» (2005), «Минг бир рубоий» (2009), «Донишмандлар туҳфаси» (2009),

«Рубойи гулшани» (2010) номлари билан алоҳида тўпламлар тарзида босилиб чиқди. Умар Хайём рубойилари шулар жумласидандир.

Ҳозиргача форсий адабиётдан 20 дан зиёд шоирнинг 3000 га яқин атрофидаги рубойиysi бармоқ вазнида ўзбекчалаштирилган бўлса, 200 дан ортиқ шоирнинг 7000 дан кўпроқ рубойилари арузда таржима қилинди. Шу далилнинг ўзиёқ бу борада замонавий йўлдан анъанавий усулнинг устунлигини намоён этиб турибди.

Биобарин, янги давр рубойи таржимачилиги рубойиларни классик усулда таржима қилишдан иборат бўлади, деб бемалол айтиш мумкин.

Бизнинг Умар Хайём рубойилари таржимасига қўл урганимизга йигирма йилдан ошди. Бу таржималардан намуналар вақтли матбуотда, турли тўпламларда босилди. Умар Хайёмнинг 2008 йили «Шарқ» нашриётида босилиб чиққан «Фанимат дамлар» тўпамидан 300 дан зиёд таржималаримиз ўрин олган эди. Ниҳоят, ўз таржималаримизни 600 дан ошириб, уларни алоҳида тўплам қилишга журъат этдик. Агар улар мутафаккир шоир рубойиларининг чинакам мухлислари бўлган диди баланд, табъи нозик ўқувчиларга манзур бўлса, ғоятда мамнун бўлар эдик.

Албатта, бунда биз шу пайтгача Ш. Шомуҳамедов томонидан бармоқ вазнида таржима қилиб келинган рубойиларни қайтадан арузда таржима қилиш билан кифояланмай, Умар Хайём рубойиларининг Эронда босилиб чиққан турли нашрларидан янги намуналарни ҳам топиб таржима

қилдик. Натижада мутафаккир шоирнинг ўзбек тилидаги рубойлари адади ҳам ошди — 617 га етди.

Биз мумтоз адабиёт намуналарини халқ тушунадиган даражада соддалаштиришимиз эмас, балки кенг ўқувчилар оммаси дидини бу бадиият дурдоналарини тушуниш қадар юксалтиришимиз керак. Рубойларни арузда таржима қилишимиздан мақсад ҳам аслида — шу. Токи ўқувчилар буюк сўз усталарининг фақат гоё ва фикрларидангина эмас, балки шоирлик маҳоратию рубойларининг бадииятидан ҳам бир қадар баҳраманд бўлсинлар. Бу эзгу ниятнинг қанчалик амалга ошган-ошмаганлигини холис баҳолаш эса дунё адаб аҳли эътироф этган юксак даражадаги мумтоз шеъриятнинг ворислари бўлмиш нозиктаб ўқувчилар эътиборига ҳавола.

*Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди*



РУБОИЙЛАР

1

Эй дил, бу замондан сира эҳсон тилама!
Тартибни фалак чархидан, эй жон, тилама!
Дармон сўрабон ортади дардинг баттар,
Кўн дардига ҳар лаҳзаю дармон тилама!

2

Ёшлик деган ул нома ўқилмиш — битмиш,
Умримнинг баҳори қиш томон юз тутмиш.
Билмайман, ўшал бахт қуши — ёшлик отлиғ,
Бошимга қачон қўниб қачон тарк этмиш?..

3

Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўкилади,
Ел бирла ҳикоятни қилиб тўкилади.
Ўн кун ичида гул ниш урар, гунча тугар
Ҳам очилар ул, ҳидга тўлиб тўкилади¹.

4

Дўстлик уйини ҳамиша бунёд этинг,
Тез-тез кўришиб, бир-бирингиз шод этинг.
Куйганда қадаҳга майни соқий, мани
Бечорани ҳам дуо билан ёд этинг.

¹ Бу рубоий Фахриддин Ироқийга ҳам нисбат берилди.

5

Бизнинг ўша майхона¹ саҳар берди сало:
Эй, тингла мени, ринди² хароботу³ гадо,
Паймонани ол қўлга — етайлик тагига,
Бўлгунгача паймонаси умрингни адо⁴.

6

Бегона яқин менга вафо қилса агар,
Ёт ҳатто қариндош-да, жафо қилса агар.
Бол ёқмаса — йўқ унинг заҳардан фарқи,
Бол ўрнидадир заҳар даво қилса агар⁵.

¹ *Майхона* — шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи, Ҳақ толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

² *Ринд* — шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Ринд аҳли илоҳий жазва чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

³ *Харобот* — майхона, комил инсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

⁴ Бу рубой Салмон Соважийга ҳам нисбат берилди.

⁵ Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

7

Боқ, тонг елидан гул этаги чок бўлади,
 Булбул етишиб гунчага қувноқ бўлади.
 Гул соясида ўтир, у қумга сингса,
 Бизнинг-да вужуд эртага тупроқ бўлади...

8

Ишқ — боши жаҳон дафтарининг, маъноси,
 Ёшлик ғазалин матлаъси¹ — муддаоסי.
 Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ оламидан,
 Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!

9

Масжидга магар ниёз² учун келганман,
 Қилмангки хаёл: намоз учун келганман.
 Бир жойнамоз ўғирлаб эдим — эскибди,
 Энди яна жойнамоз учун келганман.

10

Дунё сири гарчи менга беш қўлдек аён,
 Сиртимга чиқарсам уни ўзимга зиён.
 Теграмда мени тушунгудай инсон йўқ,
 Ҳар сўзни қилиб бўлмас бу элга баён.

11

Оҳ, кошки қазо лавҳига³ қўл етса эди,
 Ўз хоҳишини унга дилим битса эди,

¹ *Матлаъ* — ғазалнинг биринчи байти.

² *Ниёз* — 1) эҳтиёж, зарурат; 2) илтижо, ёлвориш; 3) аташ, назр қилиш.

³ *Қазо лавҳи* — инсон тақдири, илоҳий амрлар битилган лавҳ.

Ғам оти бутун ер юзидан йитса эди,
Шодликни жаҳон бошига тож этса эди!

12

Мен осий¹ бандангман — ризойинг қайда?
Кўнглим уйи зулмат — зиёйинг қайда?
Жаннат менга бахш этсанг агар тоат учун,
Бу ўз ҳаққим — лутфу атойинг қайда?!²

13

Ҳар зарраки, тупроқ қатида — боқса тузук,
Шоҳ тожи эрур балки ўшал ёки узук.
Гардини сулувлар юзининг аста сидир,
Бўлган эди бир вақт у ғубор кўзи сузук...

14

Биздан-да бурун шому саҳар бор бўлган,
Чарх айланиши шу хилда такрор бўлган.
Тупроққа авайлаб қадаминг қўй, чунки
Бу тупроқ бир замон сулув ёр бўлган³.

¹ *Осий* — гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи. У куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади ва чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта такрорламаса, гуноҳлари кечирилади.

² Бу рубоий Абдуллоҳ Ансорийга ҳам нисбат берилди.

³ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

15

Май¹ ичмас эсанг, мастни маломат қилма,
 Гийбат тўрини тўқишни одат қилма.
 Билсанг, сени(нг) қилмишларинг бундан
 баттар,
 Бас, ичмаганингни бизга ибрат қилма!

16

Жисмимни ювинг бода² билан ўлсам агар,
 Ёд айласангиз соз яна май бирла саҳар.
 Майхонани(нг) тупроғига ташлайди назар,
 Менданки, қиёматда тилар кимса хабар...

17

Ошиқ³ ҳамиша масту шайдо бўладир,
 Девона, паришон, яна расво бўладир.
 Ҳушёр киши ғам-қайғу тузоғига асир,
 Хуммор⁴ киши дунёга бепарво бўладир!

¹ *Май* — тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига фарқ бўлишни билдиради.

² *Бода* — май, шароб, маст қилувчи ичимлик.

³ *Ошиқ* — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

⁴ *Хуммор* — пири комил ва муршиди восилга ишора.

18

Гар мақсади пул бўлмаса-да донони,
 Пулсиз эса зиндон кўради дунёни.
 Қўл қисқалиги сабаб бинафша мунглиғ,
 Хандон лаби гулнинг зўридан тиллони!

19

Тақдирни билиш ўйида банд этди у дам
 Лавҳу қаламу¹ биҳишту² дўзах мени ҳам.
 Бир кун деди устод менга: ўзингда-ку жам,
 Билсанг агар, биҳишту дўзах, лавҳу қалам.

20

«Бас, борми ариққим, суви ортга қайтар?» —
 Шундай дея ўрдакка балиқ нақл айтар.
 Ўрдак деди: «Сену мен кабоб бўлсак гар,
 Йўқ фарқи, жаҳон — сувми, сароб ё баттар...»

21

Эрмас эмиш ичмоқ сира шаъбонда³ раво,
 Қўш сўнгра ражаб⁴ ойини — ул хоси Худо.

¹ *Лавҳ* (*Лавҳ ул-маҳфуз*) — Оллоҳ инсониятнинг тақдирларини ёзган улкан китоб. Унинг ёнида ёзув қалами бўлиб, катталиги лавҳга мос келадиган шаклда.

² *Биҳишт* — жаннат.

³ *Шаъбон* — мусулмон қамарий тақвимидаги саккизинчи ой. Бу муаззам ойда қўшимча рўза тутиш кенг тарқалган. Шаъбоннинг 15-куни эса оммавий халқ байрами лайлат ал-бароъа — гуноҳларни кечирish нишонланади.

⁴ *Ражаб* — мусулмон қамарий тақвимидаги еттинчи ой.

Оллоҳу Расулга қўй бу икки ойни,
Сен ич рамазонда¹ май — бу ой бизники то!

22

Биз май ичамиз майкадага² нур киритиб,
Бул ишни қилолмас киши минг тавба тутиб.
Гар менда гуноҳ бўлмаса, раҳмат на қилар,
Бас, кўрсатади раҳматини Тангри нетиб?³

23

Манзилгоҳ экан бизга шу фоний дунё,
Ҳуснингга кўп изладим қиёс, эй жоно:
Юзинг каби ой равшан эмасдир — билдим,
Қаддинг каби тик эмас у сарви⁴ раъно.

24

Умр дафтарида қайси куни очдим у фол,
Куйган дилини этди баён соҳиби ҳол.⁵

¹ *Рамазон* — мусулмон қамарий тақвимидаги 9-ой. Бу муқаддас ойда Қуръон нозил қилингани учун мусулмонларга рўза буюрилган.

² *Майкада* — майхона.

³ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

⁴ *Сарв* — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қаддиқоматини сарвга нисбат берадилар.

⁵ *Ҳол* — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида солиқнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

Бахтли киши улким, туни йилдек чўзилиб,
Кўйнида тўлишса ёри монанди ҳилол¹.

25

Тут майни, санам, очишга баҳри дилимиз,
Хуснинг² била ҳал эт яна ҳар мушкилимиз.
Бир кўза шаробни, кел, ичайлик бирга,
Айлангунича кўзага бизнинг гилимиз³...

26

Хусн аҳлига улким, лаби хандон бермиш,
Дард аҳлига ўз юрагидан қон бермиш.
Гар қисматимиз бўлмаса шодлик — ғам йўқ,
Шодмиз, барибир, қайғуни чандон⁴ бермиш...

27

Ишқида сулув ёрни дилим зор бўлмиш,
Ул ғамга бўлак ерда гирифтор бўлмиш.
Мен дардима дори истабон этсам саъй,
Ҳайҳот, табибимнинг ўзи бемор бўлмиш!

28

Лола юзини ҳар тонг шабнам тутади,
Бинафша чаманда бўйнини ҳам тутади.
Яйрайди кўнгил ғунчага боқиб, рости,
Ёймас этагини у сира — жам тутади.

¹ *Ҳилол* — 1) янги чиққан ой, уч кунлик ой;
2) маъшуқанинг ярим ой шаклидаги қайрилма қоши.

² *Хусн* — илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.

³ *Гил* — лой; тупроқ.

⁴ *Чандон* — кўп, зиёда.

29

Истар эсанг, умр асоси маҳкам бўлсин,
 Бир дам бу дилинг жаҳонда хуррам бўлсин.
 Тарк айлама бир лаҳза шароб ичмоқни,
 То лаззати умрингнинг дамодам¹ бўлсин!

30

Қай дамки, бинафша юзига ранг югурар,
 Йиртиш бўлади гул этагин елга ҳунар.
 Оқил киши гулшанда сулув ёрни қучиб,
 Май ичга-ю, май кўзасини тошга урар!

31

Ҳеч кимсани ранжитма илож топсанг агар,
 Оғритма бирор дилни — сира сочма захар.
 Гар мангу фароғатдан умидинг бўлса,
 Чек ёлғиз ўзинг учраса ҳар қанча қадар².

32

Шундай ичайин майни — бу қул ўлса эди,
 Ҳаттоки гўрим май ҳидига тўлса эди,
 Қабрим қошидан ўтар экан ҳар кимса,
 Ул май ҳидидан масту хароб бўлса эди!

33

Мисру Руму Чин³ агарда мулкинг бўлгай,
 Осмону заминг қўлингда тутқун бўлгай,

¹ *Дамодам* — дам-бадам, ҳар дам, доим.

² *Қадар* — ғам-ғусса, андуҳ, хафалик, ғашлик.

³ *Чин* — Хитой.

Бир газ¹ еру икки газ кафан, билсанг агар,
Бизларнинг улуш жаҳонда ул кун бўлгай².

34

Асрор³ эса пинҳон дилида донони,
Сир баҳсида лол қолдиради Анқони⁴.
Ул қатра дўнар⁵ дурга садаф⁶ ичра яшаб,
Пинҳон сири бўлганлигидан дарёни.

35

Соқий⁷, гулу кўкликка назар сол — қувноқ,
Завқ этки, ўтиб ҳафта у бўлгай тупроқ.
Май ичгилу гул тер — яна бир боққунча
Гул қумгаю хасга айланар ҳар япроқ.

36

Кўкламда қилиб нозли санам ҳимматни,
Ўтлоқ бўйида тутса майи ишратни,

¹ Газ — 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови, аршин.

² Бу рубоий Маҳастий Ганжавий ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

³ Асрор — сирлар.

⁴ Анқо — Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қуш; мажозан: топилмас, нодир, ягона.

⁵ Дўнмоқ — айланмоқ; ўзгармоқ.

⁶ Садаф — ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

⁷ Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, гайб марҳаматидан баҳраманд этадилар.

Уйғотса-да эл ичра сўзим нафратни,
 Мендан кўра ит яхши десам жаннатни!

37

Кўнглим тўла ғам — тут менга бир коса шароб,
 Бу бебақо умрим туюлар мисли симоб¹,
 Ўт ёшлигинг ўрнида қолар кул беҳисоб,
 Чин бахт ўзи йўқ нарса — у уйқую сароб...

38

Бахтим сира кулмайди, ишим ўнглолмас,
 Борган сари ғам кўпу қувонч оздир, бас.
 Оллоҳга шукур, қанча бало бор, мендан —
 Бошқа кишига уни муносиб кўрмас.

39

Бутхонаю² Каъба — хонаси қулликнинг!
 Зангўла чалиш — таронаси қулликнинг!
 Меҳробу³ черкову тасбеҳу хоч,
 Ҳақ улки, бари нишонаси қулликнинг!

40

Қорган куни лойимни ўшал кунда Худо,
 Феълимда не ҳам бўлса — Ўзи қилди ато.

¹ *Симоб* — кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, беқарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

² *Бутхона* — бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лоҳут олами, яъни ваҳдати кулл кўзда тутилиб, аҳадият зотининг мазҳарияти маъносида ҳам келади.

³ *Меҳроб* — 1) масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

Гар ҳукми биландир ҳамма айбим бехато,
Кўргай нега дўзах ичра куймоқни раво?!

41

Жон оламида ақл ила иш тутмоқ хуш,
Дунё ишида яхшиси турмоқ хомуш.
То ўрнида эркан кўзу тил ҳамда қулоқ,
Топгайсан уларни унутиб осойиш.

42

Дунёга ишонма — муттаҳамдир пухта,
Даврон оқизар ёшингни лахта-лахта.
Оғзингга магар солса замона ҳалво,
Ютма сира ҳам — унга заҳар омихта¹.

43

Ишқ асли ҳаётнинг безавол офтоби,
Ишқ асли кўнгилнинг покиза меҳроби.
Гов кўрдими, бас, нолани бошлар булбул,
Ошиққа писанд эмас бало гирдоби!

44

Қилди бу дилим илми ладунийни² ҳавас,
Ўргат, деди, ҳар не сенга маълум бу нафас.
Дедимки: «Алиф»³. Деди: «Оғиз очма бўлак,
Ҳақ бўлса кўнгилда, бир ҳарф етгуси, бас!»⁴

¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² *Илми ладуний* — Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларгагина берадиган илоҳий илм.

³ *Алиф* — араб алифбосининг биринчи ҳарфи.

⁴ Бу рубоий Бобо Афзал, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Изуддин Маҳмуд Кошийларга ҳам нисбат берилади.

45

Таҳқиқ¹ дарахти ҳали гул қилган эмас,
 Ҳақ моҳиятини ҳеч киши билган эмас.
 Лекин узатар ҳамма унинг шоҳига қўл,
 Ҳеч кимнинг умиди, чунки узилган эмас.

46

Менга май ичиб, шод юримоқлик — одат,
 Фориг яшамоқ куфр ила диндан — тоат.
 Сўрдим: «Қалининг не?» — дея дунё қизидан,
 Ул деди: «Қалин — шод дилинг ҳар соат».

47

Гул чеҳрасида насими Наврӯз на гўзал!
 Кезганда чаман, бўлса дилафрӯз² на гўзал!
 Шод бўлсангу ҳар лаҳза бугун завқи билан,
 Ўтган кундан ҳеч очмасанг сўз на гўзал!³

48

Кўнглинг тилаган ёр ила бўл бир умр!
 Ишқ шавқи, ҳаёт завқига тўл бир умр!
 Йўқлик сари кетмоқ эмиш охир қисмат,
 Билмас бу абад уйқуни гўл бир умр!⁴

¹ *Таҳқиқ* — текшириш, тадқиқ қилиш, нарсанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатга етиш. Тасаввуфда банданинг ҳақиқатни кашф этиш учун қиладиган саъю ҳаракати.

² *Дилафрӯз* — дилни ёритувчи, кўнгилни шод этувчи; маҳбуба.

³ Бу рубойи Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубойи Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

49

Ҳарчанд бахтинг мангу туюлгай, эй дўст,
Жисминг эса соғлом ва гўзал — бекаму кўст,
Сен қаттиқ ишонма бу тананг чодирига,
Тўрт устунни ҳам унинг омонатдиру суст.

50

Ҳақ ганжи¹ қўлингга кирмаса, айлаб дод,
Умрингни гумонлар ила қилма барбод.
Энг яхшиси, май жомини қўлдан қўймай,
На масту на ҳушёр бўлайлик дилшод.

51

Вайронада ёру маю чолғувчию ман,
Жону дилу жому тўн шароб дарди билан.
Йўқ раҳмат илинжию азоб ваҳми сира,
Кечдим ўту сув, хоку шамол ташвишидан!

52

Наврўз кунни лола юзини ювди булут,
Шаҳд айлаю тур — қўлингга май жомини тут.
Қабрингдан унар эртага — ҳеч қилма унут,
Сайр этганинг ушбу кун ҳамма сабзаю ўт...²

53

Билгилки, умид донаси хирманда қолур,
Боғ, мулку сарой на сану на манда қолур.
Олтину кумушни доналаб йиққунча,
Дўстинг билан еб-ич, йўқса душманда қолур!

¹ Ганж — 1) бойлик, хазина; 2) олтин-кумуш.

² Бу рубойи Маҳастий Ганжавийга ҳам нисбат берилди.

54

Тўрту бешга бўлма асир, эй соқий,
Мушкулдир у минг ёинки бир, эй соқий.
Хокмиз баримиз, чангни жаранглат, мутриб,
Бодмиз¹ баримиз, бодани бер, эй соқий!

55

Ҳожат тиласанг агарда ҳар дил фанимат,
Суҳбат тиласанг, дўсти комил фанимат.
Юз Каъба ўтаверсин бир дил қошидан,
Юз Каъбасидан бир дилни бил фанимат².

56

Май ичмасман мен айшу ишратни тилаб,
Тарк этишмас мақсадим ё дину адаб.
Бир лаҳза сузиш баҳрида бехудликнинг³
Май ичмагу маст юрмагима асли сабаб.

57

Токайгача⁴ умринг ўтади ўзни дея,
Ё ташвишини борлиғу йўқликни ея.
Ич бодани, қасдида юрар бўлса ажал,
Умр ўтгани соз уйқу ё мастликда-ку-я...

¹ *Бод* — ел, шамол.

² Бу рубой Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

³ *Бехудлик* — ўзидан беҳабарлик; мастлик ва ошиқлик мақоми.

⁴ *Токайгача* — қачонгача.

58

Ҳар қанчаки менга ҳусни зебо берди,
 Лола каби юз, қомати раъно берди.
 Ўткинчи жаҳонда менга наққоши азал¹,
 Билмам, не учун бунчалик оро берди?!

59

Бермиш туну кун даҳрга² азалдан сайқал,
 Чарх айланар эрди сира қилмай маҳтал.
 Тупроққа қўй оҳиста қадамингники, ул —
 Кўз гавҳари эрди бир гўзалнинг аввал...

60

Майхонада кўрдим битта чолни — хуммор,
 Сўрдим хабарин ўтгану кетганнинг зор.
 Деги: «Ичавер май, қанча дўсту ёр
 Тарк этди-ю дунёни — хабар йўқ зинҳор...»

61

Бир қўлда қизил май, бирида ёр зулфи,
 Ўлтирса чаманда очилиб дил қулфи.
 Май ичса жаҳоннинг ташвишини чекмай,
 Ул зот биладир чин айш этмоқ урфи!

62

Дунёни(нг) гами заҳар — шаробдир дафъи,
 Йўқ бода ичувчига заҳарнинг хавфи.
 Ич сабзада³ майни сабзахат⁴ ёрни қучиб,
 Кўмгунча гўринг сабзага қисмат лавҳи...

¹ *Наққоши азал* — Худо.

² *Даҳр* — дунё, олам.

³ *Сабза* — кўк, кўклик, яшиллик, майса, кўкат.

⁴ *Хат* — қизларнинг лаби устидаги майин туклар.
Сабзахат — янги чиққан туклар. *Сабзахат ёр* — ёш гўзал.

63

Бу кеча менга узат қадаҳни тўлатиб,
 Ул писта лабинг чунки менга бўлди насиб.
 Қўлимга юзингдек қирмизи майни узат,
 Тавбам яна зулфинг каби кетмиш чувалиб...

64

Гул фаслию сув ёқасию сабзада шод
 Ҳам улфати чору бир ҳур ошиққа мурод.
 Тутсин қўлига қадаҳ — саҳарда ичган
 Бутхонаю масжидни сира этмади ёд.

65

Ич бодани — топмоқ тиласанг мангу ҳаёт,
 Ёшлик қушига ҳам ўша бергувси қанот.
 Гул фаслию маю сархуш улфатлар ила
 Шод бўл, ўзи дунёда яшашдан шу мурод!

66

Бўстон сари йўл олди ўшал булбули маст,
 Май жомию гул чеҳрасини топди-ю бас,
 Ул дам унутиб ўзни, қулоғимга деди:
 «Қайтмас сира, билгил, ғанимат ушбу нафас!»

67

Минг тавба магар қасд этибон шай бўлса,
 Майдан сира қилма тавба гар май бўлса.
 Гул ёқаси чок, булбуллар нола қилар,
 Қўй тавбани бул дамда у қандай бўлса!

68

Оқил дедиким тушга кириб: «Бахт гули —
 Очилмади ул кимсани — уйқуни қули.
 Ич майни, ажалнинг этагинг узра қули,
 Билмайди абад уйқуни одамни(нг) гўли...»

69

Ул бода сабаб ғамнинг ҳаёти ўзга,
 Бош оғриғини май ўзи солгай изга.
 Ўртанма, қазо қўлда эмас, бежизга,
 Улгур ўтаётган кечаю кундузга.

70

Май гарчи ҳаромдир, уни аммо ким ичар,
 Қанча ичар-у, бўлиб дўст-ошно ким ичар?
 Ҳар гоҳки шу уч қоидага қилса амал,
 Бас, ичмаса май одами доно, ким ичар?!

71

Тарк айламасингдан бу қадим оламни,
 Май ич — у қувар дилдан қайғу-ғамни.
 Оч зулфини ҳурларнинг мудом бандма-банд,
 Банд-бандга ажратмай чарх одамни...

72

Ишқ бандига гар тушмаса кекса бошим,
 Бўлгаймиди май билан қадаҳ йўлдошим.
 Ул тавбани ақл берди, малак синдирди,
 Чок бўлди тўнинг ҳам чидамай, бардошим...

73

Биз ошиқу ошуфтаю¹ мастмиз бу кун,
 Хурлар кўйида бодапарастмиз бу кун.
 Буткул унутиб ўзни Худо васлини деб,
 Пайвастаи² даргоҳи аластмиз³ бу кун.

74

Кўнглингни қилар замона ғамгин ҳар чоқ,
 Пок руҳинг учар худди дарахтдан япроқ.
 Бас, бир неча кун сабзада ўлтир, шод бўл,
 Ўстирмайин ўт кўксида бизнинг тупроқ.

75

Эртан бу нифоқ илмини бас қилгайман,
 Оқ соч ила май ичгали қасд қилгайман.
 Етмишга етибман, мана, шодликни демак,
 Мен қилмасам энди, қай нафас қилгайман?!

76

Кўй, чекма алам, арзимагай бор ё йўқ,
 Ўйланма яшайми деб ҳушёр ё йўқ.
 Тўлдир бу қалаҳни майга — олган нафасим
 Қайтиб чиқарарман яна такрор ё йўқ...

77

Олган эдим бир кун кўзагардан кўза,
 Очиб неча сирларни у кирди сўза:

¹ *Ошуфта* — ошиқ, мубтало, гирифтор, девона.

² *Пайваста* — боғланган, уланган, туташган.

³ *Аласт* — азал, аввал (яралишнинг ибтидоси маъносида). *Даргоҳи аласт* — Худо даргоҳи.

«Мен шоҳ эдиму қўлимда заррин коса,
Боқ, энди бўлибман, мана, хуммор кўза».

78

Ҳар сабзаки, сувнинг бўйидан жой олмиш,
Ул талъати¹ ҳур хаттини ёдга солмиш.
То сабза сари ташла оёғингни аяб,
Ул сабза санам чехрасидаги холмиш...²

79

Май ич, очу тўқлик ғами дилдан кетади,
Етмиш икки миллат қайғуси тарк этади.
Майдан сира парҳез этма — бир малҳамдир ул:
Бир қатрасидан минг дардингга наф етади!

80

Осмон булугдан настаран³ тўқмоқда,
Гулларни очиб, боғ узра шан тўқмоқда.
Савсан каби қуй қадаҳга қирмиз майни,
Бинафшаранг булут суман⁴ тўқмоқда...

81

Ҳар дилки, асир ўлса унинг дардига хуш!
Ҳар бошки, тўлар гар кўйининг гардига хуш!

¹ *Талъат* — юз, чехра, ҳусн.

² Бу рубоий жузъий тафовутлар билан Нажмиддин Куброга нисбат берилган рубоийлар орасида ҳам учрайди.

³ *Настаран* — оқ ёки қизил тусли хушбўй гўзал гул, новдаларда ғужум-ғужум бўлиб очилади.

⁴ *Суман* — оппоқ гулдайдиган жасмин гули, ёсуман.

Ғам тифини дўст отса ҳечам ранжима — бу
Келгай эмиш ошиқ элининг мардига хуш!

82

Бизларни ҳалок этди ғами ҳижронинг,
Жоним эди ҳар лаҳза гиргиттонинг.
Кетдинг-у, ҳалок бўлди ғамингдан минг дил,
Келдинг яна минг жон сенинг қурбонинг!

83

Ким кетди жаҳондан илгари, эй соқий,
Кибр хоки аро йитди бари, эй соқий.
Ҳақ сўзни эшит мендан-у, бор, майни симир,
Соврилди шамолга сўзлари, эй соқий...

84

Кун яхши, ҳаво бўлса на совуқ, на илиқ,
Гулзор юзидан ювди булут чангни тўлиқ.
Булбул-чи, сариқ гул била ўзни унутиб,
Ҳол тилида «Май ич!» дея бермоқда йўриқ.

85

Мен-ку маю мастликка бўлибман иқроп,
Нега маломат этиб, берарлар озор?
Ҳар бир ҳаром ишнинг сабаби май бўлса,
Дунёда топилмас эди битта хушёр.

86

Ҳар яхши ёмонлики, башар табъида бор,
Ҳар шодлигу кулфатки, қадар лавҳига ёр,

Осмонга ҳавола этма, идрок йўлида
Сендан бу фалак ожизу бечораю хор...¹

87

Наврўзда қўлингга тут қадаҳ лола мисол,
Топсанг яна лолаюз билан айла висол
Ҳам ҳўпла шароб хурраму шод, кўҳна фалак
Бир кун бу алиф қадни эгиб, қилгуси дол².

88

Чарх узра биров зафар тўнин кийган эмас,
Одамни ютиб, замин сира тўйган эмас,
Кеккайма мени емади деб, ҳеч кимни
У навбати келганда емай қўйган эмас.

89

Кун буйи дегум: тунда қилар дил тавба,
Май косасию кўзасидан ул тавба.
Энди эса атрофда баҳор — тавба қаён?
Гул мавсумида тавбасидан қил тавба!³

90

Тарҳимни Ўзинг тузган эмас, мен на қилай?
Лойимни Ўзинг чўзган эсанг, мен на қилай?
Ҳар яхши-ёмонликки, этарман содир —
Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?⁴

¹ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмоний ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

² *Дол* — араб алифбосидаги «д» ҳарфи; мажозан: эгилган, букик.

³ Бу рубоий Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

91

Бир қўлда тутиб Қуръону бир қўлда-чи жом,
 Гоҳида ҳалолдирмизу гоҳида ҳаром.
 Шу феруза¹ осмон тагида бизмиз ўшал —
 На кофири мутлақ, на мусулмони тамом!²

92

Иймон ипига тизмай ибодат дурини,
 Кун-кундан оширсам-да гуноҳнинг турини,
 Лутфингдан умидимни сира узмасман,
 Икки демадим чунки тажаллий³ нурини.

93

Афсуски, ҳаёт асоси қўлдан кетди,
 Кўнглимни ўлим васвасаси қон этди.
 Келтирмади ҳеч ким хабар у дунёдан:
 Кетган кишилар бошига не кун етди?!

94

Эй дил, май ичиб, жаҳонда даврон сурамиз!
 Шармандаи шармисор бўлиб, маст юрамиз!
 Бир коса шаробга жойнамозни алишиб,
 Номус шишасини эса тошга урамиз!

¹ *Феруза* — кўк тусли қимматбаҳо тош; мажозан: кўк ранг.

² Бу рубоий Маҳастий Ганжавий ва Авҳалиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

³ *Тажаллий* — жилваланиш, кўриниш, Ҳақ зоти ва сифатларининг ҳамиша, ҳар жойда, ҳар хил даражада намоён бўлиши, яъни ўзини ўзи аён этиши.

95

Ақлим ожиз қилгали исботингни,
 Кўнглим туну кун қилар муножотингни.
 Зотингни бу банда қандайин билгайман,
 Билгайми Ўзингдан ўзга ҳеч зотингни?!¹

96

Хайём, май ила хуморлигингга шод бўл!
 Бир лаҳза санамга ёрлигингга шод бўл!
 Ҳар нарсаки, йўқ бўлар экан оламда,
 Йўқликни унутмай, борлигингга шод бўл!

97

Дунё ғамини чекма қўлингдан келса!
 Бор-йўқни унутиб, қани ҳар дил кулса!
 Яхши еб-ичу шод яша, элтолмассан —
 Бир арпа у дунёга хазинанг бўлса!²

98

Ул кунки, олиб қўлимга бир коса шароб,
 Шодлик туфайли бўлсам масту хароб,
 Оташ каби табъу сув каби сўзлардан,
 Тонг йўқ³, мўъжиза содир этсам беҳисоб.

99

Охирги нафас тилимда соқий қолди,
 Олам элининг дилда фироқи қолди.

¹ Бу рубойи Фахриддин Розийга ҳам нисбат берилди.

² Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

³ Тонг йўқ — ажаб эмас.

Бок, қолди қадаҳлар-да охирлаб, ҳайҳот,
Билмам, ҳаётимдан нима боқий қолди?

100

Ул тоза қизил шароб эрур гавҳаримиз,
Биз бирла куйиб, қилди фиғон соғаримиз.¹
Май бошида биз, май эса бизнинг бошда,
Май бошида май ичинг — май тожи саримиз!²

101

Эй дил, бу жаҳонда қисматинг қон бўлмоқ,
Минг турланиб-тусланиб паришон бўлмоқ.
Эй жон, бу баданга не сабаб киргансан,
Мақсад неча кун агарда меҳмон бўлмоқ?

102

Гул чеҳрасида насими Наврӯз хушдир!
Гулшан аро рухсори дилафрӯз хушдир!
Шод бўл бугунингдану унут ўтганни,
Ўтган кундан очмаганинг сўз хушдир!³

103

Оқил киши чекмас сира эрта ғамини,
Таскин сира тўлдирмади кўнгил камини.
Дунёда ҳақиқий оқил инсон ўшадир,
Ким билса ғанимат ўтаётган дамини.

¹ *Соғар* — май ичидиган идиш; жом, қадаҳ.

² *Сар* — бош. Бу рубоий Паҳлавон Маҳмуд ва Фаҳриддин Ироқийларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилади.

104

Ҳар нарсаки йўқми — йўқ ўшал мисли шамол,
 Ҳар нарсаки борми — оқибат топди завол.
 Бор нарсани оламда гумон эт йўқ деб,
 Йўқ нарсани бор дебон бироқ айла хаёл...¹

105

Кимлар бу жаҳон ичра яшаб ўтган эмас,
 Қўлида бироқ ҳақ дурини тутган эмас.
 Савдойи каби беҳуда сўз дер барча,
 Аммо ҳақиқатга ҳеч киши етган эмас.

106

Бу кўҳна работга² берди олам деб ном,
 Тинмай отини алмашади тонгу шом.
 Бир базмки, юз Жамшид³ уни тарк этган,
 Бир қасрки, юз Баҳром⁴ олибдир ором.

¹ Бу рубоий Абусаид Абулхайр, Маҳастий Ганжавий ва Нажмиддин Куброларга ҳам нисбат берилади.

² *Работ* — карвонсарой, мусофирхона.

³ *Жамшид* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

⁴ *Баҳром* — сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи Варахран V. Унинг севган машғулоти гўр (қулон) бўлганлиги учун ҳам Баҳром Гўр лақабини олган.

107

Ишқ бўлмаса, умрингда сира мазмун йўқ,
 Дил ёнмаса, ўртанмаса, бир ёлқин йўқ.
 Ишқ ўтида ёниб ўтмаган ул кундан
 Дунёда беҳуда ўтмаган бир кун йўқ!

108

Май мангулик бахш этар эмиш, қуй, соқий!
 Кўнглиннга ҳузур етар эмиш, қуй, соқий!
 Куйдирса-да ўт каби, ғамингни аммо
 Сувдек оқизиб кетар эмиш, қуй, соқий!¹

109

Ҳар нарса қазо лавҳида бўлса — бордир,
 Ҳар яхши-ёмон қалам билан пойдордир.
 Тақдири азалда бори ҳеч ўзгармас,
 Ғам чекишу интилиш бари бекордир.

110

Кездик бу жаҳонни роса — дил тўла ҳавас,
 Гоҳ уйда-ю, гоҳ сафарда умр ўтди абас.²
 Лекин бу ҳаёт йўлида — барча билади,
 Кетган йўлидан йўловчи ҳеч қайтган эмас.

111

Ақлимни таниган куни бўлдим маҳзун
 Ўзимни кўриб фалак қўлида тутқун.
 Афсуски, қиёматда ҳисобга ўтмас
 Маъшуқсизу майсиз зое ўтган ҳар кун.

¹ Бу рубоий Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилди.

² *Абас* — беҳуда, бефойда.

112

Саъй-интилишим кетгани-кетган бекор,
 Ошиқлигу ишқидан бўлибман безор.
 Ким тушса дўзахга, ким биҳиштдан қайтса,
 Шу иккиси дўзахий аталгай зинҳор.

113

Дарё сувию саҳро елидай худди
 Умрим ҳисобидан яна бир кун ўтди.
 Қўй ўтгану келмаган кунинг ташвишини,
 Оқил на уни-ю, на буни ёд этди.

114

Шодлик қадаҳи ичра қизил май хушдир!
 Бўлса яна ёнингда чангу най хушдир!
 Қўза нимаю май нима — билмас зоҳид¹,
 Бундай кишидан узоқлик қандай хушдир!

115

Бутхонаю масжидда, агар билса башар,
 Биҳишт илинжию дўзах ваҳми яшар.
 Кўнглига бу хом хаёл уругин экмас,
 Ким зарра Худо сирларидан топса хабар.

¹ Зоҳид — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Куръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

116

Бир кун бу омонат танни тарк этгайсан,
 Ғайб¹ олами асрорига ҳам етгайсан.
 Шод бўл, била олдингми, қаердан келдинг?
 Май ич, била олдингми, қаён кетгайсан?

117

Инсон бу ҳаёт сирларини кам билгай,
 Ҳақ ишларини қайдан у бир дам билгай?
 Ҳеч нарса билмаса ҳуши бор пайти,
 Ҳуши йўғида у нимани ҳам билгай?

118

Дунёни кезиб, ҳар нима кўрдинг — ҳечдир,
 Ҳар қанча эшитдинг гапирдинг — ҳечдир,
 Бу бошдан-у бошгача югурдинг — ҳечдир,
 Уйингдан агар чиқмай ўтирдиг — ҳечдир².

119

Ҳеч кимга муқим³ макон эмас бу олам,
 Шундан қидирар май ҳар ақлли одам.
 Ғам оташини ўчир сепиб май сувини,
 Тупроқ қатига киришдан аввал сен ҳам.

120

Дунё ҳузури бемаю соқий ҳечдир
 Ҳам янграмаса найи Ироқий ҳечдир.

¹ *Ғайб* — йўқлик, ғойиб.

² Бу рубоий Авҳадиддин Кирмоний ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

³ *Муқим* — доимий, собит.

Дил шодлигидир тириклигинг маъноси,
Боқдим бу жаҳон ҳолига — боқий ҳечдир¹.

121

Дунёда нима бўлса, азалда бўлган,
Ҳақ ҳукми билан яхши-ёмон туғилган.
Чекинга ёзилганни берар тақдир ҳам,
Беҳуда экан барча югурган-елган.

122

Соқий, бу ғамим эл ичра оввоза эмиш,
Сархуш юришим беҳадду андоза эмиш.
Бошимда қиров бўлса-да, кўнглимда баҳор,
Кўнглим уйи май туфайли пок, тоза эмиш.

123

Соқий, қани қуй, жаҳон иши бир нафас-ей!
Хуррам яшасанг шу бир нафасни-да, бас-ей!
Шод бўл нимани кўрса раво, чунки фалак
Инсон тилагига кўра юрган эмас-ей!

124

Шодлик тилама, умринг ўзи бир дамдир,
Тупроқ қатида қанча Кубоду² Жамдир³.

¹ Убайд Зоконий ижодида ҳам шу мазмундаги рубой бор.

² *Кубод* — Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб сўнгги ҳукмдорлардан бири Кубод II. Ануширвони одилнинг отаси.

³ *Жам* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид исмининг қисқартирилган шакли.

Ўткинчи жаҳону бевафо умринг, бас,
Пуч сафсатаю беҳуда қайғу-ғамдир.

125

Дунё дегани азоб, тириклик эса ғам,
Тақдир дегани бало, замон — зулму ситам.
Хуллас, бу жаҳон ҳолига боқсам кўраман:
Тинч-осуда одам йўқ, агар бўлса-да кам¹.

126

Ҳеч тушгани эмас тилдан азиз май зикри,
Тарк этган эмас маю маъшуқа фикри.
Зоҳидга агарда ақл устод бўлса,
Шогирд у менга — шудир дилимнинг шукри.

127

Бир лаҳза агар ҳирсу ҳаво қилгайман,
Кўнглимга соларсанки, хато қилгайман.
Англат менга: Кимман ўзи? Қайдан келдим?
Қайга кетаман? Қачон қазо қилгайман?

128

Гул ҳусни агарчи нигоҳинг миҳлайди,
Бағрини табиб гулоб² учун тиглайди.
Булбул гулни овутади шундай деб:
Кулган киши бир кун бир йил йиғлайди.

¹ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

² Гулоб — гул япроқларидан тайёрланадиган хуш-бўй ичимлик. Мажозан: кўз ёши.

129

Кўнглим рўза, намозга мойил бўлди,
Дедимки, Худо хоҳиши ҳосил бўлди.
Бир ел билан, афсуски, таҳорат синди,
Бир томчи шаробдан рўза ботил бўлди¹.

130

Умримнинг умид қуши мени тарк этди,
Сархуш кечалар охири бошга етди.
Ҳар лаҳзаси дунёларга тенг умрим,
Афсуски, беҳуда қўлимдан кетди...

131

Май ич, ҳали тупроқ қатида ётгунг узоқ,
Ғамхўр йўғу ҳамдам йўғу йўқ лоладудоқ.
Бир сирни очай сенга, қани, тут-чи қулоқ:
Лола сўлиса, қайта очилмайди бироқ.

132

Тут майни — эзилган дил учун малҳам у,
Ишқ ақлини олган кишига ҳамдам у.
Бир томчи май афзал фалакдан менга,
Бўлса-да муаззам косаи олам у.

133

Май гарчи шариатда ҳаромдир — хушдир,
Соқий қўлида гарчи ғулумдир² — хушдир.
Аччиғу ҳаром бўлса-да, ёққай менга,
Билдим эса, ҳар нима ҳаромдир — хушдир.

¹ Бу рубойи Убайд Зоконийга ҳам нисбат бериллади.

² *Ғулум* — банда, қул.

134

Илм устунни бўлган не улуг инсонлар
Фикр отини чарх устига сурган онлар,
Зотингни билиш бобида монанди фалак
Саргаштаю сарсонлару саргардонлар.

135

Бу тоифа фахри фазлу одоб эдилар,
Тенгсизу камолда, жумла арбоб эдилар.
Зулмат кечада тонг сари йўл топмадилар,
Ҳар не дедилар — афсонаю лоф эдилар.

136

Бу тоифа гарчи жойнамомозпарвардир,
Ҳалқум гамида мисоли бир аждардир.
Тақвони ниқоб қилиб улар, энг ёмони,
Исломни сотар, кофирдан ҳам баттардир.

137

Манглайга битилгани сира ўзгармас,
Ғам-ғусса чека қонга жигар тўлгай, бас.
Ичсанг-да жигар қонини умринг бўйи,
Бир нарса бирор зарра зиёда бўлмас.

138

Бу кеча маю маъшуқ ила қолсам эди,
Шодлигу висол чолғусини чолсам эди.
Аввал дину ақлим уч талоқ айлаб, сўнг
Ток қизига аста уйланиб олсам эди.

139

Биз бўлсагу бўлмасак, жаҳон бўлғусидир,
 Биздан на бирор ном, на нишон бўлғусидир.
 Биз илгари йўқ эдиг-у, етмовди халал,
 Энди яна бўлмасак, ҳамон бўлғусидир.

140

Эй дил, тилама васлини — маълул¹ бўласан,
 Ишқ иши билан намунча машғул бўласан?
 Дарвешлар² остонасини айла тавоф,
 Шояд сен ҳам қабули мақбул³ бўласан.

141

Умринг карвони кўп шитоб ўтгусидир,
 Бўш, беҳуда кунлар беҳисоб ўтгусидир.
 Ўргач, яна ўсгувчи гиёҳмассан, бас,
 Ҳар дам ганимат — жому шароб ўтгусидир!

142

Маъшуқаю мену маю гул тўла чаман,
 Қилгим келар айшу сафо имкон бор экан.
 То бор эдиму борману бор бўлгайман,
 Ичганману ичяпману яна ичаман!

¹ *Маълул* — бемор, хаста.

² *Дарвеш* — тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

³ *Қабули мақбул* — бу ерда: севимлига маъқул бўлиш, яъни Оллоҳ ризосини қозониш.

143

Жонимни қилай фидо агар арзир у!
 Бошимни қилай садқа — раво бўлса бу.
 Дўзах нимадир, билай десанг, бир лаҳза —
 Ёмон билан ўлтир — чинакам дўзах шу!

144

Тақдир битигин қай кунни иншо қилди,
 Аввал менга ишқ дарсини имло қилди¹.
 Ул дам юрагим парчаси ҳар заррасидан
 Ҳикмат эшигин очқичи бино қилди.

145

Тақдир қўлимизда йўқ экан нетгаймиз,
 Бехуда хаёлу жидду жаҳд этгаймиз.
 Ғам-ғуссаю ҳасратларимиз бефойда,
 Кеч келган эдик, тезда яна кетгаймиз.

146

Бир кун бу вужуддан-да жуло бўлгайсан,
 Сир пардасига чўмиб, фано² бўлгайсан.
 Май ички, аён эмас, қаердан келдинг?
 Шод бўл, ноаён қаерда ё бўлгайсан?

147

Кўп экди-ю ўрди бу қазо деҳқони³,
 Ғам чеккани арзимас фалак айвони.

¹ *Имло қилмоқ* — ёзмоқ, битмоқ.

² *Фано* — тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

³ *Қазо деҳқони* — Худо.

Тут қўлга қадаҳни, бор экан имкони,
То тўйиб ичай — ўт олсин бу дунёни!

148

Оқил кишилар ғамга асир бўлмаслар,
Майдан бўлагини кўзга ҳеч илмаслар.
Эй ғофили нодон, сен эмассан олтин,
Тупроққа кўмиб, қайта қазиб олмаслар.

149

Бу даштдан ажаб хавфу хатар келгайдир,
Ҳайрат зўри бўғзимга қадар келгайдир.
Ҳеч маълум эмас: бу дашт аро карвонлар
Қайга кетар-у, қайдан улар келгайдир?..

150

Май лаззатини бодапарастлар билгай,
Қайдан ҳам у сажжодапарастлар¹ билгай.
Ғофил кишилар ғофил экан, маъзурдир,
Бу завқу ҳузур қадрини мастлар билгай!

151

Бир тоифанинг кўнглида минг кибру гурур,
Бир тоифанинг кўнглида қасру зару ҳур.
Бир кун кўтарилса парда, маълум бўлади,
Ҳар иккиси ҳам Сендан узоқларда эрур.

¹ *Сажжодапараст* — кўп намоз ўқийдиган; шайх, зоҳид.

152

Май ичса агар гадо, амирдек бўлади,
 Бир томчисидан тулки-да шердек бўлади.
 Кекса уни ичса, қайтадан ёш бўлар-у,
 Ёш ичса агарда худди пирдек бўлади¹.

153

Маҳшар² куни зўр савол-жавоб бўлгаймиш,
 Ҳар бир иш учун ҳисоб-китоб бўлгаймиш.
 Яхшилик оқибати ёмонлик бўлмас,
 Яхши кишига яхши ҳисоб бўлгаймиш³.

154

Дерлар менга: жаннат, ҳуру кавсар⁴ бордир,
 Мўл-кўл маю суту шаҳду⁵ шаккар бордир.
 Майга тўлату қадаҳни, тут қўлимга,
 Қўй насяни то нақди муяссар бордир.

155

Дерлар менга жаннатда малак шай бўлади!
 Дарё-дарё суту асал, май бўлади!

¹ Бу рубойи Убайд Зоконийга ҳам нисбат берилади.

² *Маҳшар* — охират, қиёмат куни. Ислом анъанасида дунё тугагач, инсонлар тирилиб, бир ерда тўпланадиган ва сўроқ қилинадиган кун, деб тасаввур қилинади.

³ Бу рубойи Жалолиддин Румийга ҳам нисбат берилади.

⁴ *Кавсар* — жаннатдаги ҳовуз, булоқ. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.

⁵ *Шаҳд* — 1) бол, асал; 2) ширинлик, лаззат.

Севсак маю маъшуқни гуноҳ бўлмас экан,
Чунки барибир охири шундай бўлади!

156

Кўнглим сира илм таҳсилидан маҳрум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун мавҳум эмас.
Энди очиб ақлим кўзини боқсам агар,
Умр ўтди, бироқ ҳеч нима маълум эмас¹.

157

Бир кўза шароб юз дилу динга арзир!
Бир томчиси минг давлати Чинга² арзир!
Дунёда ақиқ³ майдан азиз ҳеч нима йўқ,
Аччиқлиги минг жони ширинга арзир!

158

Гул чеҳрасида булут ниқобдир то ҳануз,
Кўнглим тилаги айшу шаробдир то ҳануз,
Кўй уйқуни, умр оти шитобдир то ҳануз,
Май тут, жоно, май офтобдир то ҳануз⁴.

159

Етмиш икки миллат бариси динга тирак,
Ҳар нарсадан ишқингни баланд кўйди юрак.

¹ Бу рубойи Абу Али ибн Сино ва Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² *Чин* — Хитой.

³ *Ақиқ* — қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

⁴ Бу рубойи Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

Ислому куфр нима, надир тоату айб:
Мақсад — Сен экан, воситалар кимга керак!

160

Ҳар фазлим учун ўнта гуноҳим афв эт!
Ўзингсан, ахир, пушту паноҳим, афв эт!
Ўч майли билан ёқма адоват ўтини,
Мени Расулинг ҳаққи, Илоҳим, афв эт!

161

Ким жаннату дўзахни кўрибди, эй дил?
Ким у дунёдан хабар берибди, эй дил?
Кўркуву умидимиз улардан, аммо,
Ким ному нишонини билибди, эй дил?

162

Эй чарх, ишингдан сира хурсандмасман,
Озод қил, ахир, мен лойиқи бандмасман.
Сен нокасу нодон кишини хуш кўрсанг,
Мен ҳам у қадар аҳли донишмандмасман.

163

Бу чархи фалак ичинда биз ҳайронмиз,
Фонус хаёл¹ билиб уни сарсонмиз.
Офтоб — чироқ бўлса, бу олам — фонус,
Бизлар эса сурат каби саргардонмиз.

¹ *Фонус хаёл* — ичига ҳар хил сувратлар чизилиб, улар тутун ва иссиқлик қуввати билан айланадиган фонус; мажозан: осмон.

164

То раҳмати бор — айбу гуноҳ кўрқитмас,
 Йўл ранжи, Ўзи бўлса паноҳ, кўрқитмас.
 Лутфи билан айбу гуноҳим оқлар экан,
 Бўлсам-да агар номасиёҳ¹ кўрқитмас.

165

Тупроқ қатида ётганни кўп кўрдим,
 Ер зулматида қотганни кўп кўрдим.
 Бу йўқлик саҳросига боқсам қанча,
 Мен келмагану кетганни кўп кўрдим².

166

Мен май қидириб кеча чаманга келдим,
 Ўт ичра кўриб гулни, бағирни тилдим.
 Дедим: «Нима қилдингки, сени ёққайлар?»
 Деди: «Чаман ичра бир нафас шод кулдим»³.

167

Тонг чоғи қизил шаробни олиб қошга,
 Андиша шишасини урайлик тошга!
 Қўл тортиб узун амал этагидан, бас,
 Қўл узатайик рубобу қаламқошга.

¹ *Номасиёҳ* — бадном, гуноҳкор.

² Паҳлавон Маҳмуд ва Бобо Афзалга нисбат берилган рубойлар орасида ҳам шу мазмундаги бир рубой мавжуд.

³ Бу рубой Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

168

Ринд аҳлига жонингни мудом қурбон қил!
 Рўзаю намоз асосини вайрон қил!
 Эй дўст, ҳақиқатни эшит Хайёмдан:
 Тинмай май ич-у, йўлдан ур-у, эҳсон қил!

169

Ҳар кимга жаҳон кайфияти бўлса аён,
 Дунё гаму шодлиги унга тенг бегумон.
 У яхши-ёмонликни баробар кўради,
 Хоҳ барчаси дармон уни, хоҳ дарду фиғон.

170

Дерлар мени майпараст — бўлсам бордир,
 Дерлар фосиқу маст — бўлсам бордир.
 Зоҳирга боқиб менга сира ҳукм этма,
 Ботинда баланду паст бўлсам бордир¹.

171

Кеча ўтди — уни сира ёд этма,
 Келмай туриб эрта ҳали фарёд этма.
 Ҳеч ўтгану келмаган учун дод этма,
 Ҳар он яша шод — умрингни барбод этма.

172

Энг яхшиси, дилни май билан шод этсанг,
 Ўтганнию келмагани кам ёд этсанг.
 Идрок қафасидаги омонат жонни
 Бир лаҳза ақл дастидан озод этсанг.

¹ Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

173

Дунёга Худодек ўтса ҳукмим бир он,
Қилган бўлар эдим уни буткул вайрон.
Янги дунё тузар эдим ўрнига то
Орзусига яхшилар етарди осон.

174

Эй май, мен учун жон озигисан, биласан,
Ҳар лаҳза мени сархушу шайдо қиласан.
Шундай ичайин, қорамни кўрган сўрасин:
«Эй май хуми, сўйла, қай тарафдан келасан?»

175

Эй чарх, бу кўнглимни мудом доғ қиласан,
Шодлигу сурур кўйлагини чок қиласан.
Мен ёққа шамол эсса агар ўт айлаб,
Оғзимга сув олсам, уни тупроқ қиласан.

176

Бехуда гаму қайғуни қўй, шод яша!
Дунёда адолатни қилиб ёд яша!
Дунё ишининг оқибати йўқлик экан,
Йўқликни чиқар дилдан-у, озод яша!

177

Май тутмадилар аҳли имон, эй соқий,
Сийла мени ўзинг бу замон, эй соқий.
Ўткинчи жаҳон деб бехуда қайғу чекиш —
Бизнинг ишимиз эмас, аён, эй соқий.

178

Ҳар лаҳза замон қилар шитоб, эй соқий,
 Тут қўлга қадаҳ тўла шароб, эй соқий.
 Тонг чоғида тур, бориб эшик қулфини оч,
 Май қуй, яна чиқди офтоб, эй соқий.

179

Дил хушбўю тоза май тилар, эй соқий,
 Ҳар хил гапу сўздан сиқилар, эй соқий.
 Бир кўза лаболаб май узатгил, дунё —
 То тупроғимиз кўза қилар, эй соқий.

180

Ҳар нарсани тарк айладиму майни эмас,
 Дунёни ҳаром сайладиму майни эмас.
 Мен аслида май сабаб мусулмондирман,
 Бас, рўза, намоз тайладиму майни эмас.

181

Ҳар кимда агар заррача ақлу хуш бор,
 Ўтказмас умрни(нг) бир дамине бекор.
 Ё Ҳақ ризосин топиш учун интилади,
 Ё яхши ҳаёт учун тутар майни ёр.

182

То ҳеч ким эмас экан бу дунёда муқим,
 Маъшуқсизу майсиз яшамоқ айби азим.
 Кўркуву умид янги-қадим деб негаким,
 Йўқ фарқи мен ўтгач, дунё янгими-қадим!

183

Маҳшар куни зўр ҳисоб-китоб бўлгаймиш,
Ул ёрнинг иши қаҳру итоб бўлгаймиш.
Ёрнинг қўлидан сира ёмонлик келмас,
Шод бўл, оқибат яхши ҳисоб бўлгаймиш¹.

184

Ҳал айладилар азалда ҳар қисматни,
Кўнгилдаги ҳар орзую ҳар ниятни.
Биздан сўрамай солишди бир қолипга
Ҳар ҳолу ҳар иш, ҳар куну ҳар соатни.

185

Дарвешу фақир йўлини тутмай бўлмас,
Дил қони билан юзни пок этмай бўлмас.
Мақсадга етай десанг, бу офир йўлда
Ориф² каби ўзликни унутмай бўлмас.

186

Бир кун бу жаҳон ғамидан озодмасман,
Бир дам бу юрак уришидан шодмасман.
Кўп бўлдимү шогирди ҳаётнинг, аммо,
Дунё ишига то ҳануз устодмасман.

¹ Бу рубоий Абусаид Абулхайр ва Жалолиддин Румийларга ҳам нисбат берилади.

² *Ориф* — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва ваздий илмлар эгаси бўлган зот.

187

Биз — шодлик асоси бўламиз, биз — кони ғам,
Чашмаи адолатмизу манбаи ситам.

Пастмизу баландмиз, яна комилмизу кам,
Занг босган ойинамиз-у¹ бизмиз жоми Жам.

188

Душман мени файласуф дея янглишади,
Оллоҳга аён — бу бобда у ноҳақ эди.
Ким деб билсам ўзимни, камман, бунда —
Келтирганидан буён қазо гирдбоди².

189

Уммид шохидан мева агар топсам эди,
Умрим ипидан кошки асар топсам эди.
Тору тангу қоронғи вужуд зиндонидан
Йўқлик сари йўл бу дарбадар топсам эди.

190

Дунё сири кўп чигал — етарсан ё йўқ,
Бу нуктага³ лоақал етарсан ё йўқ.
Май топу шу дунёда биҳишт пайдо қил,
Ҳар қанча биҳишт гўзал — етарсан ё йўқ.

¹ *Ойна (Кўзгу)* — илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойна деганда, Оллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадик, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади.

² *Гирдбод* — тез ва кучли шамол, бўрон.

³ *Нукта* — 1) сир, ҳикмат; 2) нозик ва теран маъноли сўз, ибора.

191

Мен майни фақирлик ғамидан ичмасман,
 Дунёда ҳаловат камидан ичмасман,
 Мен майни ичар эдим кўнгил хушлиги деб,
 Етдим сенга — энди сира ҳам ичмасман!

192

Гул ортига беркинди қуёш — мен ҳайрон,
 Дунё сирини айлади фош — мен ҳайрон.
 Дур топди тафаккур уммонидан ақлим,
 Бу дурни тешолмай кўзда ёш — мен ҳайрон.

193

Бу кўза менингдек ошиқу зор эмиш,
 Ёр зулфи тузоғига гирифтор эмиш.
 Бўйнидаги даста бир замон қўл эмиш-у,
 Дилдорни қучиб, сархушу хуммор эмиш.

194

Ҳар киши қийинчилик чекиб ҳур бўлади,
 Ҳар қатра садафда қамалиб дур бўлади.
 Мол қолмаса-қолмасин, омон бўлсин бош,
 Май косаси ҳам бўшаса, қайта тўлади.

195

Кўй ғуссани, май ичайлик, эй нозли санам,
 Дунё ситамидан ичга тўлгунча алам.
 Бир кун келади — ўшанда золим бу фалак
 Оғзингдаги сувни қўймагай ютгали ҳам.

196

Чарх измингга юрмас — бу ибора машхур,
 Хоҳ етти қават де, хоҳи саккиз охир.
 Армон билан ўлгач, нима фарқ — жисмингни
 Курт ейдими гўрда ёки чўлда қашқир?!

197

Май бўлмаса, ҳеч ажаб эмас, мен ўлсам,
 Жисмим юкини ё торта олмай қолсам.
 Мен бандаси ул дамники, соқий айтса:
 Бир коса яна ич-у, ичолмай қолсам.

198

Бир коса шаробни мен учун қут айланг,
 Заҳил шу юзим рангини ёқут айланг.
 Кўз юмсам агар майга ювиб жисмимни,
 Токнинг чўпидан тахтаю тобут айланг.

199

Дунёда нима бўлса, бари нақшу хаёл,
 Ориф эмас у — кимга ниҳон бўлса бу ҳол.
 Бир четда ичиб май, шод ўтир, арзимагай —
 Фам чеккали бу нақшу хаёлоти маҳол.

200

Ҳақ ризқинг азалда қилди кўп ёки кам,
 Оширмагай энди-ю, озайтирмас ҳам.
 Йўғига хафа бўлма, қаноат айла,
 Бори шукр қил-у, яша хотиржам¹.

¹ Бу рубоий Салмон Соважийга ҳам нисбат берилади.

201

Май берсанг, ҳатто тоғ ҳам рақс этади,
 Жоҳил киши май борасида баҳс этади.
 Майдан сира тавба қилмасман — шундай
 Бир нарсаки у — тарбияти шахс этади.

202

Оллоҳ яратибди бизни циркулга йўйиб:
 Тан биттаю бош иккита — бир-бирни суйиб,
 Бир нуқтада айланамизу доирадек,
 Иш битса, ётармиз бошни бир ерга қўйиб.

203

Ҳеч тинглама сўз замонасоз бўлгандан,
 Соф май сўра хирқа¹ эгнига илгандан.
 Тарк айлади дунёни улуғлар бир-бир,
 Хўш, борми хабар у дунёдан келгандан?

204

Дунё ғами деб танингга бедод этма,
 Жонинг ая, ўтганни сира ёд этма,
 Ёр сочидек ел билан дилинг шод этма,
 Майсиз ўтириб, ҳаётни барбод этма.

205

Бир ринд кўрдим — қайғуга солмас уни чин:
 На куфру на ислому на дунёю на дин,
 На Ҳақ, на ҳақиқат, на шариат, на яқин,
 Ҳар икки жаҳон ташвишидан кўнгли эмин¹.

¹ *Хирқа* — жанда. Шайху муридлар киядиган махсус кийим.

² *Эмин* — тинч, осуда, хотиржам, омон. Бу рубоий Паҳлавон Маҳмуд ва Синжоний Хавофийларга ҳам нисбат берилади.

206

Ҳар лаҳза мени даҳрию бедин дейсан,
 Бу гапни қилиб адовату кин дейсан.
 Мен розиман аммо, бил, ўзингга қайтар
 Бир кун бари — хоҳ ёлғону хоҳ чин дейсан¹.

207

Умрингни(нг) ҳисобини олиб юр ҳар дам,
 Келтирмадинг ҳеч вақою элтмассан ҳам.
 Бир куни ҳалок қилар сени май, дерлар,
 Хоҳ ичмаса-хоҳ ичса ўлар-ку одам!

208

Маст олдида май ёмон дема — хом бўлма,
 Яхши ёнидан қувилма, бадном бўлма.
 Жаннатга етишмоғу дўзахга тушмоқ
 Ичмоқдан эмас — бу гапга ҳеч ром бўлма!

209

Майхона қаландарларининг² йўлини тут,
 Бўлсин тилагинг маъшуғу май, созу суруд³.
 Кўйнингда мудом кўзаю кўлингда қадаҳ,
 Эй дўсти азиз, май ичу дунёни унут!

¹ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

² *Қаландар* — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солиқ; 3) қаландария тариқати аъзоси.

³ *Суруд* — 1) куй, оҳанг; 2) кўшиқ, ашула.

210

Тонг чоғи бирам гўзал, қани, тур соқий,
 Қуй косага тундан нима қолган боқий¹.
 Хокинг дўнар эрта гиштга — бош узра тутиб,
 Кўз-кўз этади уни бу айвон² тоқи.

211

Офтоб, ою юлдуз кўк учун зийнатдир,
 Ақл аҳли учун воситаи ҳайратдир.
 Бечораю ожизлигидан ғусса чекиш
 Асли-азал оқиллар учун қисматдир.

212

Кошки бу замон дардидан озод яшасанг!
 Борига қаноат айлабон шод яшасанг!
 Қадрига етиб ҳаётни(нг) ҳар лаҳзасини,
 Қилмай сира бор-йўқ ғамини ёд яшасанг!

213

Май ичса, топар кибру такаббур барҳам,
 Майдан ечилар тугун агарчи маҳкам,
 Шайтон ҳам агарда бода ичса бир дам,
 Одам қошида қиларди сажда ул ҳам.

214

Мени яратиб, кўрмади бир наф дунё,
 Жонимни олиб, обрўси ошмас асло.
 Ҳеч кимдан эшитмадим: ўзи бериб жон,
 Ўзи яна жон олишида не маъно?!.

¹ *Боқий* — бу ерда: қолдиқ, ортиб қолган.

² *Айвон* — кўшк, қаср. *Айвон тоқи* — қаср гумбази.

215

Шодликда тиниқ май ичмадим ҳеч асно,
 Андуҳ қадаҳидан маст бўлмай асло.
 Кўлимни биров таомига чўзмасман
 Мен ўз жигарим кабобидан тўймай то.

216

Бир куни кулол дўконига тушди назар,
 Тупроқдан кўрсатар эди турфа ҳунар,
 Кўр бўлмаса бир ҳодисани барча кўрар:
 Тупроғидан оталарнинг у кўза ясар...

217

Одам эди мақсад яратишдан олам,
 Идрок кўзининг қорачиғи ҳам одам.
 Бу айлана дунё гар узукка ўхшар,
 Одам кўзи, шубҳасиз, бу узукнинг ҳам.

218

Қатра дарё бағрига пинҳон бўлди,
 Зарра тупроқ қаърига гумдон бўлди.
 Дунёга келиб-кетиш нима? Гўёки
 Пашша туғилиб, лаҳзада яксон бўлди.

219

Кўзамни кеча урдим тошга беғам,
 Мастликдан эди бу қилиғим — йўқ шубҳам.
 Айтар эди кўза: «Мен ҳам сендай эдим,
 Мендай бўласан бир куни сўзсиз сен ҳам!»

220

Хуш борида ақлим далили сара дер,
 Рум¹ ҳамда Араб майманаю² майсара дер:
 «Ким майни сара эмас деса боқмасман,
 Қуръонда, ахир, Худо ўзи «Майсара» дер»³.

221

Сув устига мен қачонгача уй қураман?!
 Бошимгами бутхонаю бутни ураман!
 Дўзахга тушиб, биҳиштдан чиққан борми?
 Шундан дўзахий деса, бепарво юраман...

222

Мен айтар эдим агар топилса маҳрам,
 Бўлган нимадан бино азалда одам:
 Фамдан қорилиб зуваласи мустаҳкам,
 Тарк этди жаҳонни кун кўрмай бир дам.

223

Дўзахда куяр эмиш ким ичса агар,
 Нотўғри бу сўз — унга ким ҳам ишонар?
 Дўзахга тушар бўлса агар ошиғу маст,
 Жаннат эрта кафтдек бўм-бўш қолар.

¹ Рум — ўрта асрларда ҳозирги кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари шундай аталган.

² Маймана — қўшиннинг ўнг қаноти.

³ Бу ерда шоир сўз ўйини қилмоқда: *майсара* — арабчада қўшиннинг чап қаноти дегани, лекин форс тилида у — май яхши маъносини беради.

224

Бу чарх қўғирчоқбозу биз қўғирчоқ,
 Бу ёлғон эмас, балки ҳақиқат мутлоқ.
 Бир лаҳза ўйнаб борлиқ саҳнасида,
 Йўқлик сандиғига тушармиз бир чоғ.

225

Бир қуш манзил тутиб Тус қалъасини,
 Олдига қўйиб Кайковус калласини
 Дер эди унга: «Топиб бўлмас, афсус,
 У дабдабаю доврўқлар палласини!»

226

Дунёни ҳамиша беқарор кўргайман,
 Беҳудаю бемаънию хор кўргайман.
 Дунёдаги ҳар нарсага кўз солсам агар,
 Ночорлигимни ошкор кўргайман.

227

Ризқинг ила умринг кўпу кам бўлмайди,
 Чекмоқнинг алам фойдаси ҳам бўлмайди.
 Бизнинг қўлимиздамас-ку тақдирнинг иши,
 Айлаб уни мум сингари ҳам бўлмайди.

228

Чарх мисли тўнтарилган тоғора эмиш,
 Ақл аҳли унда хору оввора эмиш.
 Шишаю қадаҳ бир-бирига қўйса-да лаб,
 Қон ўртада — бу нимага ишора эмиш?

229

Хушёр эмасман то тирикман бир дам,
 Мастман ҳаттоки Қадр кечаси¹ ҳам.
 Хум кўксида кўксиму лабим жом лабида,
 То тонггача май қадаҳида қўл маҳкам.

230

Май ич, у ўзингдан беҳабар айлагуси,
 Душман дилини қон шу қадар айлагуси.
 Хушёр юришингдан нима фойда — у фақат
 Эрта ғамидан кунинг заҳар айлагуси.

231

Билмасмиз азал сирини на сену на мен,
 Тақдир ёзувин бирини на сену на мен.
 Биз сўзлашамиз парда аро — у тушса,
 Сақлай оладирмиз уни на сену на мен².

232

Биз хум ёнида намозни одат этдик,
 Майхона қуми билан таҳорат этдик.
 Шоядки, бу майхоналар ичра топсак,
 Ул умрки, масжидлар аро йўқотдик³.

¹ *Қадр кечаси* — рамазон ойининг 26-дан 27-га утар кечаси. Куръони карим шу кечада нозил этила бошлаган. Бу кечада фаришталар ерга тушиб, муслмонларнинг гуноҳларини кечирилишини сўраб, Оллоҳга илтижо қилар эканлар. Шунинг учун бу кечада қилинадиган дуо-илтижолар дарҳол ижобат бўлар эмиш.

² Бу рубой Абулҳасан Харақоний, Абусаид Абулхайр ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубой Муҳаммад Ғаззолий ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

233

Дунёга келиш-кетишда не маъно бор?
 Умримиз умид ипида қайда бир тор?
 Сарву гулдек қанча гўзалларни фалак
 Ёндирди-ю, кул қилди — тутун йўқ зинҳор¹.

234

Чекма сира ўткинчи жаҳоннинг ғамини,
 Шод ўтказ ичиб май умринг ҳар дамини.
 Навбат сенга келмасди бировлардан сўнг,
 Ёқсайди замон агар вафонинг шамини.

235

Соқий, тўзиган дилим ўликлардан ҳам,
 Тупроқ қатида чунки улар хотиржам.
 Борган сари булғанар этак ёшимдан,
 Ҳарчанд уни қонли ёшим ила ювсам.

236

Тун йўқки, ақл ўю шуурга тўлмас,
 Кўз ёшидан этак сира дурга тўлмас.
 Ҳеч тўлмаганидек тўнтарилган коса,
 Бош косаси савдойи умрга тўлмас.

237

Бахт отини, эй шоҳ, фалак этди тайёр,
 Шоҳлар ичида қилди шаънингни пойдор.
 Лой бўлмасин оёғи отингни дея,
 Ёғдирди замин узра, қара, оппоқ қор².

¹ Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Маҳастий Ганжавийга ҳам нисбат берилади.

238

Гул дейди: «Юсуфман¹ мен ўзим гулшанда,
Оғзим тўла дурни кўр қиларкан ханда».

Дедимки: «Юсуф эсанг, нишона кўргаз!»

Деди: «Пора-порадир либосим танда».

239

Ҳар куни, билармисан, хўроз айни саҳар
Мунча нега қичқирганича нола қилар?

Тонг ойинаси этди намоён, қара,

Ўтди яна бир тунинг-у, сен-чи, беҳабар!²

240

Ризқимни, Худойим, сен ўзинг айлама кам,
Эл миннатисиз етказ этиб лутфу карам.

Сен май қадаҳидан мени маст эт шу қадар,

Билмай нимадир жаҳонда бош оғриғи ҳам.

241

Қолдирма дилингда ғам уруғин зинҳор,

Шодлик китобини ўқимоқлик даркор.

Май ҳўпла-ю, дил орзусини айла бажо,

Чунки бу жаҳонда эмас умринг пойдор.

¹ *Юсуф* — Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Оллоҳ таоло ҳусни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Шундан у Шарқ мумтоз адабиётида гўзаллик тимсоли бўлиб келади.

² Бу рубой Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилди.

242

Офтоб қизариб, мусаффо тонг отган дам,
 Қўлингга тиниқ май қадаҳин тут маҳкам.
 Дерлар ҳақиқат бўлар ҳамиша аччиқ,
 Аччиқ бўлади балки шундан май ҳам.

243

Ҳурматга сазовор харобот аҳли¹,
 Йўқ асли ёмонликка уларнинг даҳли.
 Бир дил аҳли² чиққан эмас мадрасадан,
 Бу гафлат уйи хароб бўлишга ҳақли.

244

Юз хона дилимнинг қонидан вайрондир,
 Кўзим ёшидан ваҳима юз чандондир.
 Ҳар киприкдан оқар қон дарёси,
 Киприklar агар бирлашса тўфондир.

245

Май мисли порлоқ лаъл³, кўза кондир,
 Тан бўлса агар қадаҳ, шароби жондир.
 Биллур қадаҳки, майдан хандондир,
 Кўз ёшики, дил қони унга пинҳондир.

246

Ҳушёр бўлсам, қувонч мендан пинҳондир,
 Маст бўлсам агар ақлима бир нуқсондир.

¹ *Харобот аҳли* — риндлар.

² *Дил аҳли* — орифлар, комил инсонлар.

³ *Лаъл* — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош.

Мажозан: қизил ранг. Маъшуқанинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

Ҳушёрлигу сархушлик аро бир ҳол бор,
Чин умр ўшадир — ўшанга жон қурбондир¹.

247

Айрилма майдан — мулки Маҳмуд² шудир!
Тингла чангни — базми Довуд³ шудир!
Келмоқни-ю, кетмоқни бўлак ёд этма,
Бир дам шод бўл — ҳаётда мақсуд шудир!

248

Кўк тоқигача ер қаъридан асли-азал
Ҳар қанча тугун бўлса, ақл айлади ҳал.
Ҳар макру фириб бандини ечсам-да тугал,
Кўнглимда тугун бўлиб фақат қолди ажал⁴.

249

Тонг нурларини қуёш туширди томга,
Кундуз шоҳи ўз муҳрини чекди жомга.
Ол қўлга қадаҳ — саҳарда ишқ овози
Ёйди: «Май ич!» — садосини оламга.

250

Жамшид жомидан яхши юзинг, эй соқий,
Ким ўлса йўлингда топар умри боқий.

¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² *Маҳмуд* — Ғазнавийлар давлати ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий (967—1030).

³ *Довуд* — Довуд пайғамбар: у тенги йўқ овоз соҳиб бўлиб, Забурни тиловат қилганда қушлар кўкда муаллақ қотиб, тоғлар ҳам бирга қироат қилар экан.

⁴ Бу рубоий Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилади.

Ҳар зарраси офтобдан афзал оёғинг —
Тупроғининг кўзга берар нур токи.

251

Яхши бу замонда дўсту ёр бўлгани кам,
Тут суҳбат узоқдан аҳли даврон ила ҳам.
Баъзида бутун умр ишонган одаминг,
Душман чиқар ақл кўзи-ла боқсанг чинакам.

252

Бир қатра шароб мулки Ковусдан¹ соз!
Ҳам тахти Кубод, мамлакати Тусдан соз!
Ошиқ саҳар чоғида чеккан ҳар оҳ
Зоҳиддаги сохта нолаи муздан соз!²

253

Тут дил сирини барча кишидан пинҳон,
Айниқса, хабар топмасин аблаҳ инсон.
Яхши бўлмай ўзинг Худо халқи билан,
Яхши муносабатни кутма ҳеч он.

254

Май ичсанг агар муносиб инсон билан ич,
Ё юзлари гул, лаблари хандон билан ич.
Гоҳ-гоҳ ичу оз-оздан ичу пинҳон ич,
Рад айлама, фош бўлма-ю, имкон билан ич.

¹ *Ковус* — каёнийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори Кайковус.

² Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилди.

255

Мен-ку ўпаман қадаҳни бир мақсад учун,
 Май воситасида то топай умри узун.
 «Мен сендай эдим бутун умр, бас сен ҳам —
 Мендай бўл бир дам!» — дер эди у яширин.

256

Эй дил, бу жаҳон ҳақиқатидир ёлғон,
 Беҳуда алам-азобда куйдирмоқ жон.
 Манглайга битилгани сира ўзгармас,
 Кўн бориға — тақдирингга қилма исён.

257

Ўткинчи бу дунё сира бўлмай қафасинг,
 Хурсанд ўтсин ҳаётда ҳар бир нафасинг.
 Бор бойлигинг оламда шу умрингдир, бас,
 Шундай яша — ўзингни-да келсин ҳавасинг.

258

Йўқ чарху фалакнинг сира яхши фоли,
 Бил жумла жаҳонни дўсту ёрдан холи.
 Қўй кечани, эрта дема, бугун ила бўл,
 Бир лаҳза ўзинг билан ўзинг қол-е!

259

Ёр умри менинг ғамим каби бўлсин узун,
 У раҳми келиб, лутфини кўрсатди бугун.
 Кўзимга кўзин бир қадади кетди — демак:
 Қил яхшилигу дарёга ташла яширин.

260

Кўрмайди фалак бировга розини раво,
 Минг Маҳмуду Аёз¹ жонига қилди жафо.
 Кетган у жаҳонга яна келмас қайтиб,
 Бас, май ичавер — сенга-да йўқ умри бақо!

261

Узун бу йўлни босиб ўтган кундан,
 Ҳеч ким қайтиб келмади — сўрсак ундан.
 Бас, ҳеч нима қолдирмаки, қайтиб келмас,
 Бу ранжу азоб тўла жаҳонда шундан.

262

Меҳробда сенсиз намоз ўқишдан соз,
 Майхонада сен билан айтишсам роз.
 Сенсиз бари ҳеч: аввалу охирсан Ўзинг,
 Куйдир мени хоҳла, хоҳла айла эъзоз.

263

Эй нозанин, уйқудан туриб айни саҳар,
 Созингни чалиб, қадаҳ узатсанг ярашар.
 Кетган кишилар қайтиб келмайди сира,
 Қолган кишиларни ўйлама мангу яшар.

264

Биз уйқую, еб-ичишдан эдик маъзур,
 Этди эҳтиёжманд ўзига тўрт унсур¹.
 Ҳар биттаси қайтиб олади берганини,
 Ўз аслига тақдир яна эврилур.

¹ Аёз — Маҳмуд Ғазнавийнинг аввал қули бўлиб, кейин хос надими, мусоҳибига айланган. Маҳмуд ва Аёз ўртасидаги пок ишқ Шарқ адабиётида кенг куйланган.

265

Куй майни — заминни қопламиш оппоқ қор,
 Май сингари порласин юзинг ҳам зинҳор.
 Келтир икки уднию² хуш мажлис туз,
 Куйдир бирини-ю, бирини чал, эй ёр!

266

Эй икки жаҳон сарвари бўлган одам,
 Сен майни ичиш учун сира танлама дам:
 Якшанбаю душанбаю сешанбада ич,
 Чоршанбаю пайшанба, жума, шанбада ҳам.

267

Эй кўпни кўрган чол — сочинг оппоқ,
 Тупроқ билан ўйнаётган гўдакка боқ.
 Айт унга бериб панд: «Оҳиста ўйна,
 Парвез³ кўзи, Кайқубод боши бу тупроқ».

268

Сен ток қизи обрўсини тўкма асло,
 Тўк қонини учраса мунофиқ аммо.
 Минг-минг нокас қонини тўксанг ҳам,
 Ерга бир томчи майни тўкма ҳатто!

¹ *Турт унсур* — борлиқнинг асосини ташкил этган сув, ҳаво, тупроқ ва олов.

² Бу ерда *уд* сўзининг икки маъноси асосида тажнис санъати ҳосил қилинган: 1) *уд* — ўтга ташланганда хушбўй ҳид таратадиган ёғочнинг бир тури; 2) *уд* — торли чолғу асбоби.

³ *Парвез* — сосонийлар сулоласи ҳукмдори Хисрав Парвез (вафоти — 628).

269

Ё Раб, яратиб ўзинг гўзал ҳурларни,
 Жисмига йўғирсангу мушк-анбарни,
 Сўнг боқма — гуноҳ бўлади деб ҳукм этсанг,
 Бу ҳукминг, ахир, қақшатади дилларни!

270

Мард, оқилу покларга қучоғинг очгил,
 Кўрсанг ярамасларни узоққа қочгил.
 Ич сенга заҳар тутса-да доно чўчимай,
 Бол тутса-да нокас ичма — ерга сочгил!

271

Зулму ситами ўтар — жаҳондан чўчима,
 Ўтар — гами ошқору ниҳондан чўчима.
 Шод ўтказ нақд умрингнинг ҳар дамими,
 Ўтган ўтди, келар замондан чўчима.

272

Санъатга нафис бу жомни ким йўймайди?
 Товлаб меҳри, ўпиб сира тўймайди.
 Ўзи ясаб уларни фалак кўзагари,
 Ўзи яна то синдирмай қўймайди.

273

Майки, руҳ учун қуввату тоб дерлар уни,
 Фамхўри ҳар дили хароб дерлар уни.
 Келтир менга тошдек икки жомни енгил,
 Хайр об ўзи-ю, нега шарр об дерлар уни?!

¹ Бу ерда шоир *хайр об* — эзгу сувни *шарр об* — ёмон сувга қарши қўйяпти. Айни пайтда, *шароб* — май ва *шарр об* — ёмон сув воситасида сўз ўйини қилаяпти.

274

Бўлдим кулол дўконида бир муддат,
Кўрдим икки минг кўза қураб жим суҳбат.
«Ким бунда кўзаясару ким кўзаолар,
Ким кўзасотар?» — деб қилишарди ҳасрат.

275

Эрта нима бўлишин билолмас ҳеч ким,
Фам тўла дилинг қилма қувончдан маҳрум.
Ойдинда симир май, эй ой, оламни кезиб,
Топмаслиги бизни эрта ойнинг маълум.

276

Ҳар қанчаки бўлмасин муқаддас Қуръон,
У доим эмас, ўқилар аҳён-аҳён.
Бир оят бор аммо қадаҳ теграсида,
У ўқилади ҳар бир ерда, ҳар он¹.

277

Умринг ўзи икки кун — ич тоза шароб,
Қайтиб келмас у сира — ўтказ беитоб.
Билсанг, бу жаҳон тутар хароблик сари юз,
Сен ҳам кеча-кундуз яшагил масту хароб.

278

Ҳикмат чодирин тикар эди Хайём, оҳ,
Фам кўрасига тушди-ю, ёнди ногоҳ.
Шарт узди ажал қайчиси умрин ипини,
Даллоли амал текинга сотди, э воҳ...

¹ Бу рубоий Сирожиддин Қумрига ҳам нисбат берилди.

279

Ҳар нарсани аслида яратган Оллоҳ,
 Йўл қўйдими, билмадим, хатога ногоҳ?
 Яхши эса нега кетма-кет маҳв¹ этади,
 Ёмон эса, айтинг, унда кимда гуноҳ?!²

280

Гул бўлмаса, бизларга тикан ҳам етади,
 Нур бўлмаса, оташ — гулхан ҳам етади.
 Гар бўлмаса хирқа, хонақоҳу³ шайхлик,
 Зуннор⁴, зангу бутхона деган ҳам етади⁵.

281

Бу айлана дунёга келиб-кетгаймиз,
 На боши, на охири аён — нетгаймиз?
 Бу тилсим сирига қачон етгаймиз:
 Қайдан келдик, қайга сафар этгаймиз?⁶

¹ *Маҳв* — йўқолиш, йўқотиш.

² Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

³ *Хонақоҳ* — сўфийлар йиғиладиган, шайх ва дарвешлар зикр ўтказадиган жой.

⁴ *Зуннор* — насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

⁵ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилди.

⁶ Бу рубоий Маҳастий Ганжавийга ҳам нисбат берилди.

282

Дунё тўзиган бу жисмимиз узра камар,
 Дарё эса ёш тўла кўзимиздан асар.
 Дўзах — беҳуда оҳимиздан учқун,
 Жаннат — бир дам осуда вақт магар¹.

283

Келди бугун навқиронлик чоғим,
 Май ичса гўзал завқу суронлик чоғим.
 Айб айлама, у агарчи аччиқ, хушдир,
 Аччиқ уни этди ғам-фиғонлик чоғим².

284

Ўхшайди кумуш кўзага асли бу жаҳон,
 Гоҳ суви ширину гоҳи аччиқдир, аён.
 Умрим мана мунча деб ғурурланма сира,
 Ҳар лаҳза ажал оти эгарлоқ бегумон³.

285

Мол-дунё учун мунча чекарсан қайғу?
 Кўрдингми жаҳонда яшаганни манғу?!
 Бу тандаги ҳар бир нафасинг омонат,
 Умрингга ишонч энг алдамчи туйғу⁴.

¹ Бу рубойи Абусаид Абулхайр ва Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Сирожиддин Қумрига ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

286

Ўзинг берасан бандаларинг ҳожатини,
Сақлаб турасан яхши-ёмон нисбатини.
Тўкиб нима қилдим сенга кўнглим сирини,
Мендан кўра кўпроқ биласан ҳолатини¹.

287

Куфр оламидан динга қадар бир нафас,
Шак манзилидан чинга қадар бир нафас.
Хор этма азиз бу бир нафасни, чунки
Умринг ўзи ўлгунга қадар бир нафас².

288

Ҳар дашт аро лолазор ёниб товланади,
У шоҳ қонидан ранг олиб оловланади.
Бинафшанинг ҳар новдаси ердан унган —
Ёр холи ва шунданми у кўп «овланади»³.

289

Инсон умри асли-азал бир тутам,
Бас, шод яша сенга етса-да қанча ситам.
Ақл аҳли билан бўл — вужудимиз асли
Тупроғу ҳавою яна олов ила нам⁴.

¹ Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Авҳадиддин Кирмоний, Бобо Афзал, Паҳлавон Маҳмуд ва Шоҳ Неъматуллоҳ Валийларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубойи Авҳадиддин Анварийга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

290

Нодон оёғи остидаги бу тупроқ
 Жонон юзию, санам кўзидир чақноқ.
 Бу қаср деворига урилган ҳар ғишт
 Подшоҳнинг бошию, вазир қўли, боқ.

291

Соқий лаби дилни яйратар нақ ёқут,
 Дарди юрагимга қувват, жонга қут¹.
 Ким дарди тўфонига агар бўлмаса ғарқ,
 Нуҳ² кемасидир унга мисоли тобут.

292

Эй чарх, адоват кеку кийнангдан,
 Зулму бедод қадимий анъананг-да!
 Кўксингни ёриб кўрсалар, эй ер, сенинг,
 Қимматбаҳо дурлар чиқади сийнангдан!³

293

Эй, сенга бу кун бахту саодат ёрдир,
 Қўлинг нега май қадаҳидан бекордир?
 Май ич, бу замона ғаними ғаддордир,
 Бундай кунни топиш жуда душвордир⁴.

¹ *Қут* — озиқ.

² *Нуҳ* — энг узоқ умр кўрган пайғамбар. У ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нуҳ алайҳиссаломга эргашганларгина омон қоладилар.

³ Бу рубоий Бобо Афзал ва Маҳастий Ганжавийларга ҳам нисбат берилади.

⁴ *Душвор* — қийин, оғир, мушкул.

294

Дунёда ҳақиқат гули ўсмайди нечун?
 Йўқ лойиқ одам бу гулни ўстирмоқ учун!
 Ҳар қанча уринма — моҳият ўзгармас,
 Бугунни десанг-да эрта, эртани бугун.

295

Эй Тангри, Каримсанки¹, каримлик бу —
карам,
 Осийга насиб эмас нега Боғи Эрам?²
 Тоат учун афв этсанг, карам бўлмас бу,
 Айбимни кечирсанг, бу карамдир чинакам.

296

Оддийгина бир пиёлани ҳам, кўргин,
 Синдиргиси келмас ҳатто маст ҳам — чин.
 Оҳ, қанча-қанча нозанинларни ким
 Меҳр ила ясаб, синдиради айлаб кин?!³

297

Хайём, гуноҳни деб бу мотам не учун?
 Дема сира: ғам кўп, шодлик кам не учун?
 Ҳеч битта гуноҳ бўлмаса, кимга керак афв?
 Гар афв гуноҳ учун экан, ғам не учун?

¹ *Карим* — карамли, сахий, олийжаноб.

² *Боғи Эрам* — афсонавий гўзал боғ. Ямандаги Од қавмининг ҳукмдори Шаддол ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни бунёд этган эмиш.

³ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

298

Майса узра булут яна йиғлади — боқ,
 Дил қирмизи май бўлмаса, ҳеч бўлмади чоғ.
 Бу майса бугун бўлди сайргоҳ бизга,
 Кимга бўлади сайргоҳ бизнинг тупроқ?..

299

Хуррам бу замонда ким фароғат яшади,
 Ҳақ берганига қилиб қаноат яшади.
 Оддийгина, эркин, қўлидан тушмай май,
 Ҳар бир дамани билиб ганимат яшади.

300

Бу кўзада мардикор мудом сув ичади,
 Шоҳ кўзи, вазир қўлига кўзи тушади.
 Мастнинг қўлида кўрганинг оддий косамас,
 Шўх кўзи, ширин лаби санамнинг ўшадир.

301

Ҳукмингда бугун, қўлдамас эрта аммо,
 Дарду гами эртанинг беҳуда савдо.
 Ҳар бир нафасингни қилма зое асло,
 Мангу яшагани кўрмагандир дунё.

302

Ишқингда маломатдан қилмасман ор,
 Ғофиллар ила талашмагайман зинҳор.
 Мард аҳлига доридир муҳаббат қадаҳи,
 Номард кишиларга у сира бўлмас ёр.

303

Сир пардасига топган эмас ҳеч ким йўл,
Олий бу ҳақиқатга сира етмас қул,
Ер қаъри макондир оқибат — огоҳ бўл,
Ич майни — бу хил афсоналар ҳаддан мўл...

304

Кездим шаҳару қишлоқ, тоғу саҳро,
Дунё иши ўнглалмади бундан асло.
Мен шунча азоб кўриб-да шодман — умрим
Хуш ўтмаса-да, баҳарнав ўтди аммо.

305

Маълум эмас менга — яратганда Худо,
Жаннатми, жаҳаннамними ё кўрди раво?
Ол нася биҳиштни — менга нақд бўлса етар
Сув бўйида маъшуғу маю созу сафо!

306

Ҳаттоки гуноҳим кўпайиб кетгани дам,
Кофир каби лутфингдан умид бўлмади кам.
Мен маъшуғу май дедим саҳар оғриси бош,
Бутхонаю масжид демадим бир йўли ҳам.

307

Ориф назарида бир ёмону яхши,
Йўқ ошиқ учун жаннату дўзах баҳси.
Бедил кийим танламагай — шолми, ипак,
Ошиқлар учун ёстиқми, тош — фарқсиз.

308

Бизга — маю маъшуқ, сизга — бутхона,
Сиз — жаннатию бизга биҳишт бегона.
Айбим нимадир — азал кунда қисмат
Мени яратиб қўйибди шўрпешона.

309

Бутхонаю масжидни етар ёд этган,
Ҳеч борми жаҳаннаму биҳиштга етган?
Боқ қисмат лавҳигаки, устоди азал¹
Тақдирда нима бўлса, ўшанга битган.

310

Жаннатда, дегайлар, бўлса ҳур яхши,
Менга қолса, узум сувидир яхши.
Ноғора овозини узоқдан тингла,
Бас, насясидан нақди барибир яхши.

311

Руҳ оламидан замин сари келган он
Тўрт, беш, олти, еттига бўлурсан ҳайрон.
Май ич — маълум эмас қаёқдан келдинг?
Шод бўл — маълум эмас кетарсан қаён?

312

Тун этагини ой нури қилди пора,
Ҳар қанча ғаминг бўлса, шаробдир чора.
Шод бўл май ичиб, бу ой биздан сўнг ҳам
Ер узра сочиб нур айланар кўп бора.

¹ Устоди азал — Худо.

313

Соқий, юрагим қўлдан агар кетгайдир,
 Дарё жўш уриб, қайга қадар кетгайдир?
 Дилтанг сўфий кибру ғурурга тўлган,
 Май ичса бари қолмай асар кетгайдир.

314

Жамшид бу саройда айш этиб, ичган жом,
 Энди туғиб оху, тулки олгай ором.
 Ўтгайди қулон¹ овлаб умри — энди
 Ов бўлди қулон каби ажалга Баҳром.

315

Шаҳватни агар қилиб нишон кетгайсан,
 Билгилки, ҳалокатга томон кетгайсан.
 Ўзингга қара — кимсану қайдан келдинг?
 Англа — не қиларсану қаён кетгайсан?

316

Аччиқми, ширин — сўнгига умр етгайдир,
 Ҳар ерда ажал жонинг олиб кетгайдир.
 Қўлдан қўйма қадаҳни — биздан сўнг ҳам
 Ой ҳуснини кўп бор кўз-кўз этгайдир.

317

Дилда яшасин ҳамиша бир ҳурга ҳавас,
 Қўлдан сира тушмасин узум суви-да, бас.
 Тавба буюрар сенга Худойинг, дерлар,
 Кўнглим, не қилай, тавбага ҳеч мойил эмас!

¹ Қулон — ёввойи эшак.

318

Осмону заминни яратган ул Зот,
 Доғ устига доғ қўйди кўнгилга, ҳайҳот!
 Эҳ, қанча ақиқ лаблару ой юзларни
 Ер қаърига жо қилди — бу қандай бедод?!

319

Дон сепди азал овчисию дом қўйди,
 Одам дея ўз ўлжасига ном қўйди,
 Айлаб ўзи ҳар яхши-ёмонликни мудом,
 Одамни қилиб ҳамиша бадном қўйди¹.

320

Доим бу фалакнинг иши зулму бедод,
 Ҳеч бир кишини айламаган у дилшод.
 Малҳам қўйиш ўрнига кўнгиллар доғига,
 Доғ устига янги доғ айлар бунёд².

321

Кўнглим бир юзи гулга пайванд доим,
 Май тўла қадаҳ қўлга пайванд доим.
 Ҳар бир жуздан олай насибамни мен,
 То ҳар бир жуз кул(л)га³ пайванд доим.

322

Мен хастаману дил имтиҳон қилгайдир,
 Май бўлмаса, ҳолимни ёмон қилгайдир.

¹ Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

³ Жуз — қисм, бўлак. Кул — бутун; мажозан: кул — Худо, жуз — ундан ажралган нарсалар.

Ҳар нима еб-ичмай бу беморликда,
Майдан бўлаги жонга зиён қилгайдир.

323

Ҳар қанча менинг дарду ғамим бўлса узун,
Сенинг эса шодлигингга тор келса замин,
На унгаю на бунга ишон, чунки фалак
Парда ичида кўрсатади минг хил ўйин.

324

Ким ҳам қариликдан эзгулик кутгайдир,
Қирмизи юзингни заъфарон¹ ютгайдир.
Тўрт устунни жисмингнинг, тому эшиги
Бир-бир хароблик сари юз тутгайдир.

325

Кимнинг бу жаҳонда бор яримта нони,
Ё ўзига лойиқ бир уйи — ошёни,
У қул ҳам эмас бировга, соҳиб ҳам эмас,
Айтинг: яшасин шод ўша — хуш даврони!²

326

Қилмоқни сиримдан бохабар хоҳлайман,
Сўзим бўлишини мухтасар³ хоҳлайман.
Ҳажринг мени ўлдирса, меҳринг боис
Топмоқни яна жондан асар хоҳлайман.

¹ *Заъфарон* — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

² Бу рубоий Бобо Афзал ва Жалолиддин Румийларга ҳам нисбат берилади.

³ *Мухтасар* — қисқа, лўнда, ихчам. Бу рубоий Абусаид Абулхайр ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

327

Бир гул бу заминда унган эмас мутлоқ,
 Ер қаърига тикмаса фалак бир кун, боқ.
 Тинмай ёғар эди қон қиёматга қадар
 Сувдек кўтарилса эди кўкка тупроқ.

328

Ул косагар бош косасин бино қилди,
 Ўз санъатини бу ишда пайдо қилди.
 Бош косасини вужуд дастурхонига
 Тўнтарганича лик тўла савдо қилди.

329

Йўқдир бу замонда ҳеч ақлдан фойда,
 Ҳурматда ақлсиз киши ҳамма жойда.
 Ақлимни олувчи ўша нарсани узат,
 Шояд шу сабаб бўлса пичоғим мойда.

330

Умринг югуриб зумда, ажаб, ўтгусидир,
 Ҳар бир даминг ортига қараб ўтгусидир.
 Эрта ғамини чекиб сиқилма, соқий,
 Ич май — кечалар бода сўраб ўтгусидир¹.

331

Кўзингни оч — умри нозанин ўтмоқда,
 Боқ, у нақадар зору ҳазин ўтмоқда.
 Умрим бўйи билмадим нима айшу сафо,
 Кун кўрмай умрим шундайин ўтмоқда.

¹ Бу рубоий Бобо Афзал ва Жалолиддин Румийларга ҳам нисбат берилади.

332

Умрингдан ўтар экан сенинг ҳар бир дам,
Саъй айла ҳамиша ўтсин у шод-хуррам.
Сармоя умрдир бу жаҳон бозорида,
Қандай ўтказсанг, шу хил утар у ҳам.

333

Илм ичра етуклигига боқма ҳеч ҳам,
Боқ аҳду вафо ичра нечукдир одам.
Берган сўзининг устидан чиқса ҳар дам,
Ҳар қанча уни таъриф этсанг ҳам кам¹.

334

Ҳар куни ейишга битта нон бўлса тайин,
Синиқ бир кўзанг яна сув ичмоқ учун,
Ўзингдан пастларга мутелик нега?
Ўзинг кабиларга хизмат этмоқ не учун?

335

Сен ҳеч ғаму ғусса қўлига бўлма асир,
То ёнмасин андуҳ ўти ичинда бағир.
Девор кўтарилмай ҳали тупроғингдан,
Сув бўйию, майсазор аро айла ҳузур.

336

Қўлим қадаҳу майни муқаррар тутгай,
Ҳайф бўлгай агар минбару дафтар тутгай.
Сен бир қуруқ зоҳиду мен ҳўл фосиқ,
Эшитган эмасман ўтга ҳўл бар² тутгай.

¹ Бу рубоий Жалолоддин Румийга ҳам нисбат берилди.

² Бар — этак.

337

Иш аввалу оқибатини тузган ўзи,
 Душман ишини ҳамиша юргизган ўзи.
 Май ичган одам нега мусулмон бўлмас,
 Манглайга шу қисматни, ахир, ёзган Ўзи?!

338

Қўй кўзага лаб — у сенга дил очгай зуд:
 «Менинг-да лабим майила эди масъуд.
 Сенинг-да лабинг менинг лабимдек бўлади.
 Бир кунинг агар бўлса вужудинг нобуд».

339

Шод бўл, яна келмоқда ҳайит айёми,
 Тайёр бўлади барча қувонч анжومي¹.
 Беҳолликдан ой бўзариб, қадди хам,
 Бу ранжу азобнинг энди қолмас номи.

340

Ишқ оташида куя-куя пок бўламиз,
 Бир куни ажал чангалида йўқ бўламиз.
 Қўлингни қовуштириб ўтирма, соқий,
 Май келтир — оқибат тупроқ бўламиз.

341

Ўткинчи амалларга асир бўлма сира,
 Ҳар яхши-ёмонга хунбағир² бўлма сира.
 Замзам³ суви бўлди нима-ю, оби ҳаёт,
 Ер қаъри маконинг — мағрур бўлма сира.

¹ *Қувонч анжومي* — хурсандчилик воситалари.

² *Хунбағир* — бағри қон.

³ *Замзам суви* — Оби Замзам. *Замзам* — Каъба ёнидаги муқаддас булоқ.

342

Ўлим ваҳми ҳеч мени кўрқитган эмас,
Ўтган умрим бундан хуш ўтган эмас.
Бу жон — Ҳақ омонати, олар вақт етса,
Омонат жондан дил вафо кутган эмас.

343

Ўстирма дилингда ғам ниҳолин ҳеч ҳам,
Шодлик китобин ўқиш керакдир ҳар дам.
Май ичу бажо айла дилинг хоҳишини,
Қанча яшашини билмагайдир одам.

344

Хуррамликдан энди фақат ном қолмиш,
Пухта дўстдан фақат майи хом қолмиш.
Шодлик қўлини олма қадаҳдан асло,
Содиқ бўлиб фақат маю жом қолмиш.

345

Инсон чекади беҳуда ғам-ташвишни,
Аслида унингсиз битирарлар ишни.
Ҳар нарсани доимо баҳона айлаб,
Этгайлар адо илоҳий хоҳишни.

346

Бу косани бир гўзал яратмишлару боқ,
Синдириб отибдилар кўчага бироқ.
Бу коса ясалган бошлар косасидан,
Топтаб уни, зинҳор устига қўйма оёқ.

347

Лойимни қориб, қолипга солгани дам,
 Қўшган ўзи унга исён сувини ҳам.
 Тўккан эса шу хилда мени қолипдан,
 Бундан яхши бўлолмагайман сира ҳам.

348

Сочган кишилар ақл ила маъно дурини,
 Очишга уриндилар Худонинг сирини.
 Лек беҳуда сафсата сўқиб ўтди бари,
 Ҳақ сирига ноил этмади ҳеч бирини.

349

Бир тоифа соф майга талабгор доим,
 Бир тоифа тоатга тарафдор доим,
 Ҳар бир киши бир ишга гирифтор доим,
 Халқ уйқуда, ёлғиз ўзи бедор доим.

350

Чарх отин эгарлаб, ясатган фурсат,
 Берганда Сурайё¹, Муштарийга² зийнат,
 Ҳал бўлди насибамиз азал девонида,
 Бизда не гуноҳ — шу хилда бўлса қисмат?!³

351

Оҳ, дўсту яқинларим кетишди бир-бир,
 Тупроқ қатини макон этишди бир-бир.

¹ *Сурайё* — олти кичик юлдуздан иборат юлдузлар туркуми, Ҳулкар.

² *Муштарий* — Юпитер сайёраси.

³ Бу рубоий Маҳастий, Ганжавийга ҳам нисбат берилади.

Май ичган эдик бирга ҳаёт базмида биз,
Афсус, барига ажал етишди бир-бир¹.

352

Бу тоифа ақлу идрок ичра танҳо,
Бор-йўқ ғами олдида иложсиз аммо.
Нодон бўл-у, бор, узум сувидан қолма,
Етмай ҳали узумга майиздир доно.

353

Оламни қадам-қадам кезиб чиққанлар,
Ҳар икки жаҳоннинг илмини йиққанлар,
Эшитган эмасман шу кўриниб турган
Ошкор ҳақиқатдан ортигин уққанлар.

354

Лойни пишитиб, кўза ясар аҳли кулол,
Ишлатса-ю ақлини, фикр этса хиёл,
Англар қўлида ота-боболар хоки,
Бунча уни тепмасди-ю, қилмасди увол.

355

Бир сўзни мудом уқтирар аҳли парҳез,
Қандай ўлсанг, шу хилда очгайсан кўз!
Шоядки қиёматда тирилсак шундай, —
Деб биз маю маъшуқа биланмиз ҳар кез.

¹ Авҳадиддин Анварий ижодида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

356

Дунёдан этиб тама, дилингни ёқма,
 Ҳар яхши-ёмонига замоннинг боқма.
 Ҳар дам ғанимат — ушла санам зулфини-ю,
 Беҳуда хаёллар оғушида оқма.

357

Ким ақлию, зеҳнига суянгай ҳар дам,
 Сут орзусида ҳўкиз соғар бу одам.
 Бундан кўра аблаҳ ҳам бўлган яхши,
 Чунки ақлга сотмагайлар хас ҳам.

358

Биздан сўрамас қазо қалам сургани он,
 Бас, мendan эмас феълимдаги яхши-ёмон.
 Ўтди кеча менсизу бугун ҳам ўтади,
 Маҳшарда жавобгар этса, ноҳақ бегумон.

359

Бир-икки жаҳолат майидан маст нодон,
 Доно санаб ўзни, лоф урарлар чандон.
 Эшшак бўл улар наздида — эшшаклигидан
 Кофир дейишар бўлмаса сени шул он¹.

360

Ёшми, қарими — ҳаётда ҳар кимки яшар,
 Бир-бирларининг ортидан бир-бир ўтишар.
 Ҳеч кимга бу дунё мулки қолмас абадий,
 Кетишди, кетармиз, яна келиб-кетишар...

¹ Бу рубоий Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилди.

361

Тарқалса хабар: очилди бир гул тоза,
 Ёр, келтир, ичайлик майни беандоза.
 Сўз очма ҳуру жаннату дўзахдан ҳеч,
 Хотиржам бўл — булар бари оввоза.

362

Бу тоифанинг зуҳди¹ риёдир ҳар дам,
 Жону тан аро топди тафовутни ҳам.
 Бош узра хўроз аррасидай кўза қўйиб,
 То тушгунича арра яшай шод, хуррам.

363

Келтирса бирини, бирини оп кетади,
 Очмас сирини ҳеч — ўзида қоп кетади.
 Мавҳум ҳатто тақдир иши ҳам, гўё
 Умринг қадаҳу майни У соп кетади.

364

Ҳарчанд ясаниб, кўзингни олса олам,
 Боқма сира — боқмас унга оқил одам.
 Кўп келди-ю кетди сендайин оламга,
 Олмай сени ола қол улушинг сен ҳам.

365

Шод бўл, ғамнинг чеки қачон бўлгайдир?
 Юлдузлараро кўкда қирон бўлгайдир.
 Тупроғинг гиштидан ясалган уйлар
 Бошқа кишилар учун макон бўлгайдир.

¹ Зуҳд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

366

Ким мен каби бир аҳли сафо¹ бўлғусидир,
 Наздида май ичишим раво бўлғусидир.
 Ҳақ билган эди май ичишим асли-азал,
 Бас, ичмас эсам ҳукми хато бўлғусидир².

367

Ўт ичра тушиб қолса-да оқил кишилар,
 Ўт хавфини бартараф эта олур улар.
 Нодон кишилар билан мулоқот қилма,
 Нодон кишилар суҳбати бағрингни тилар.

368

Дунёга келишим эди асли қисмат,
 Бўлди бу ҳаётда топганим бир ҳайрат.
 Ночор яшаб ўтдим-у ҳеч англамадим
 Бу келмаг-у кетмакдан недир мақсад?!

369

Ўткинчи муҳаббатда тароват бўлмас,
 Кул босган чўғда бир ҳарорат бўлмас.
 Ошиқ кишида кечаю кундуз ою йил
 Орому қарор, ҳузур-ҳаловат бўлмас.

370

Май ич — вужудинг бир куни тупроқ бўлади,
 Жом, кўза ясаб, кулол дили чоғ бўлади.

¹ *Аҳли сафо* — кўнгли соф, покиза кишилар, илоҳий оламдан баҳра олувчилар.

² Бу рубоий Сирожиддин Қумрига ҳам нисбат берилди.

Бўл жаннату дўзах гамидан хотиржам,
Доно дили бундан қачон доғ бўлади?

371

Ой, Зухра¹ фалакда бўлганидан пайдо,
Майдан яхши нарсани билмас дунё.
Ҳайронман майфурушга — у майни сотиб,
Пулига нима олади майдан аъло?²

372

Ҳар лаҳза замон аҳли маломат этади,
Қилмай нима иш — барчаси чаппа кетади.
Жон ҳам сафар азмини қилиб, менга деди:
«Шунча яшадим хароб бу уйда — этади!»

373

Ўлсам мени тез кўминг — мурувват айланг,
Ҳолимни замон аҳлига ибрат айланг.
Сўнг майга қориб хоқимни гишт ясанг-у,
Хум оғзига бостиришга ғайрат айланг.

374

Дунёда биров ёрга етишмас зинҳор,
Кўнглини замон ҳасрати қилмай абгор.
Кўз ташла тароққа: бағри бўлмай юз чок,
Ёр зулфига қўли етмагандир бир бор.

¹ *Зухра* — Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусиқаю рақс ва шодлигу хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар.

² Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

375

Қабр аҳлига боқ: бўлибдилар гарду ғубор,
Бир-бирига чирмашибди ҳар зарраки бор.
Оҳ, бу нима майки, уни ичган кишилар,
Ётар то қиёматга қадар масту хумор¹.

376

Толмас бахтга интилиб ақлинг зинҳор,
Ҳар куни у сенга уқтиради минг бор:
«Умрингни хуш ўтказ — сен ўту майса эмас,
Бир ўрса агар кўкармагайсан такрор».

377

Кўй фарзини, бўл бир ҳақиқатга иқрор:
Қизғонма таомингни бировдан зинҳор.
Қасд этма киши молига-ю, жонига ҳеч,
Қолган барча гуноҳнинг ўз узри бор.

378

Бозорда кўриб қолдим кулолни бир кун,
Лойни пишитар роса тепиб, олмай тин.
«Мен ҳам сендай кулол эдим — раҳм айла, —
Дер нола қилиб лой, — секинроқ тепгин».

379

Минг йил яшасанг ҳам, оқибат, бўл иқрор,
Бу кўҳна саройни тарк этарсан ночор.
Ҳар иккисининг қиймати охир бирдир:
Тахт устида шоҳмисан, гадойи бозор.

¹ Бу рубоий Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилди.

380

Ғам-ғуссада дил бўлди хароб, келтиргил —
Мушк исли, ақиқ тусли шароб келтиргил.
Ғамдан қутулиш чорасини истар эсанг,
Ёқут май, ипак чангни шитоб келтиргил.

381

Тут менга сопол косада ёқут каби май,
Ҳар бир кишининг маҳрамию матлаби май.
Тупроқ уйининг оқибати боду ҳаво,
Ким билса буни, ҳамиша истар табъи май.

382

Ёшлик чоғида ичса шароб яхши бўлар,
Маъшуғу маю созу рубоб яхши бўлар.
Ўткинчи жаҳон аслида уйқую хаёл,
Бунда яшасанг масту хароб яхши бўлар.

383

Хум қопқоғи афзал Жамшид давлатидан,
Майнинг ҳиди афзал Марям¹ овқатидан.
Мастлар дилидан саҳарлаб учган ҳар оҳ
Афзал Бусаиду² Адҳам³ тоатидан.

¹ *Марям* — Исо алайҳиссаломнинг онаси. Унга Ҳақ ўз даргоҳидан ноз-неъмат юбориб турган.

² *Бусаид* — машҳур тариқат пири ва мутасаввиф шоир, султон ул-орифин Шайх Абусаид Абулхайр (967—1049).

³ *Адҳам* — машҳур сўфий Иброҳим Адҳам (вафоти — 777 йил). У Оллоҳ йўлида ихтиёрий равишда тожу тахти, оиласи, мамлакатидан воз кечиб, Балхдан Нишопурга келиб, дарвешлик билан кун кечирган.

384

Ғам чекма, ҳаёт ташвиши битмас зинҳор,
 Беҳуда хаёллар дилу жонга озор.
 Сендан сўрамай ҳал айлаган тақдирни,
 Бас, шод яша ҳар дамнинг то фурсат бор.

385

Тонг чоғи тур ўрнингдан, озода йигит,
 Биллур каби жом ичра тутиб бода, йигит.
 Ўткинчи жаҳонда ғанимат ҳар бир дам,
 Топмас киши излаб уни сўнг содда йигит.

386

Сен инсон қисматиға ҳеч қилма ҳавас,
 Қон ичмагу жон чекмак у чиққунча нафас.
 Хуррам киши кетган бу жаҳонда яшамай,
 Беғам кишини она ҳали туққан эмас.

387

Бизга бу фалакдан етгани жабру ситам,
 Олгай бирини, бошқасини бергани дам.
 Бу ранжу азобни келмаганлар билса,
 Ғам тўла жаҳонга сира келмас эди ҳам.

388

Бас, чув туширар қачонгача маккор умр,
 Май қуйқасини тутар мудом ғаддор умр.
 Бу макру фириби дастидан ерга сочай
 Май томчисидек то тугасин зинҳор умр.

389

Май ич — кишига мангу ҳаёт бахш этади,
 Ёшликни бутун вужудингга нақш этади.
 Ёндирса-да ўт каби, ювиб дардингни —
 Кетишда оби ҳаёт¹ билан баҳс этади.

390

Гул фаслида ич ҳамиша гул рангли шароб,
 Най нола қилиб, жўр бўлсин чангу рубоб.
 Май ичсаму айш этсам мен дилдан шод,
 Май ичмасанг, ич тошни — шу сенга жавоб!

391

Бу кўҳна жаҳон туфайли чекма жуда ғам,
 Беҳуда жаҳонни деб чекиш беҳуда ғам.
 Ўтди бори, йўғи ҳали келган эмас,
 Чекма йўғу борни ўйлабон қон юта ғам.

392

Ўткинчи жаҳондан улушингни ола қол,
 Май ичу шодлик мулкида шоҳ бўла қол.
 Гуноҳингу тоатингга Ҳақ муҳтож эмас,
 Мақсадга етиб, қувонч созини чала қол².

¹ *Оби ҳаёт* — Хизр алайҳиссалом ер ости — зулмат қаъридан топган ва бир қатра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

² Бу рубойи Маҳастий Ганжавийга ҳам нисбат берилади.

393

Эй дил, бу жаҳон ичра ўзингни яйрат,
Шодлик ила умринг боғига бер зийнат.
Шабнам каби қўнарсану гулга тунда,
Учиб кетасан яна тонг отган фурсат.

394

Ўткинчи жаҳон ташвишини кам ўйла,
Гўзаллар ила май ичу яйраб ўйна.
На зору тавалло фойда, на қаҳру ғазаб,
Қайтиб киши келмади уёқдан бўйла¹.

395

Дединг: «Нимадир асли бу ёлғон сурат?»
Сўзим чўзилар бирма-бир айтсам гоят:
Пайдо бўлару сув юзида у бир дам,
Сув қаърига ботар яна ўтмай фурсат.

396

Тўйдим бу ҳаётдан — тугамас ранжу азоб,
Дил танглиги, қўл қисқалиги қилди хароб.
Сен йўқни мудом бор қиласан, эй Тангрим,
Бор қил мени ҳам — банда дея айла ҳисоб.

397

Бордим кеча майхонага сархуш кеза,
Кўрдим бир маст чолни — қўлида кўза.
Дедимки: «Худодан ҳеч уялмайсанми?»
Деди: «Ичавер май — Худо ғамхўр ўзи!»

¹ Бўйла — шундай, шунақа.

398

Мен қанча қилай арза бу нодонликдан,
 Дил бўлди адо зору паришонликдан.
 Энди уялиб, белимга зуннор боғлай,
 Бу айбу гуноҳу бу мусулмонликдан.

399

Инсоф қадаҳида май жондир латиф,
 Тан шишасида руҳи равондир¹ латиф.
 Келмайди жаҳонда ҳеч нима тенг майга,
 Майнинг ўзи бебаҳо жаҳондир латиф.

400

Пок оламдан келибди бўлиб меҳмон,
 Дунё чархи ғуборидан холи жон.
 Демасларидан: «Тунинг хайрли бўлсин!»
 Тонгдан узатиб май, уни айла шодмон.

401

Бағрингни замона ҳар нафас қон этади,
 Кўнглингга туганмас ғаму ғусса этади.
 Чанг нағмаси остида қадаҳга чўз қўл,
 Тақдир тоши эрта уни янчиб кетади.

402

Ёринг бўлса мисли баҳор чечагидек,
 Тут этагини — не азиз ёр этагидек?
 Бир куни ажал шамоли чок этмасидан
 Умр кўйлагини худдики гул кўйлагидек.

¹ *Руҳи равон* — жон, ҳаёт, тириклик.

403

Бир қуш кабимиз ҳар икки оёғида дом,
Дилхастаю бу ҳаётда, бечора мудом.
Оввора бу доирада — йўқ эшигу том,
Етдик на тилақларга, бажо бўлди на ком.

404

Фофил бу кўнгил туфайли жонга келдим,
Шўрлик жон дастидан фиғонга келдим.
Дунёнинг иши менга қараб қолган эмас,
Бас, мен нима иш учун жаҳонга келдим?

405

Ҳақ хоҳламас асло менинг хоҳлаганим,
Ёқмас унга мутлақо менинг хоҳлаганим.
Тўғри бўлса унинг мудом хоҳлагани,
Доим бўлади хато менинг хоҳлаганим.

406

Муғона май¹ ичиб, маст бўлсам-бўлайин,
Ринд, ошиқу бутпараст² бўлсам-бўлайин.
Ўзимга аён кимлигим — одамлар учун
Ҳар қанча баланду паст бўлсам-бўлайин.

407

Мен май рамазон ойида гар ичгайман,
Таън айлама бўлиб беҳабар ичгайман.
Бу рўза азобидан куним тун бўлди,
Келмоқда дея вақти саҳар ичгайман.

¹ *Муғона май* — тасаввуф шеъриятида илоҳий та-
жаллий ва пирнинг пок нафаси кўзда тутилади.

² *Бутпараст* — бутга сажда қилувчи.

408

Бир гўшаю¹, бурда нонни қисмат билдим,
 Жонимга тама кўзини офат билдим.
 Дарвешликни севдим жону дилдан,
 Дарвешликни жаҳонда давлат билдим.

409

Дедимки: «Май энди ҳеч қачон ичмасман!
 Май — ток қони, мен эса қон ичмасман!»
 Ақлим деди: «Шу чинми?» Дедим: «Бу — ҳазил,
 Майдан нима кўрдимки зиён ичмасман?!»

410

Кўлимда агарда бўлмаса ёқут май,
 Бўлғуси заҳар ҳар нимаки еб-ичмай.
 Дунё ғами бир заҳар, шаробдир дафъи,
 Ичганда заҳарни ҳам ютишга мен шай.

411

Борлиқ ила йўқлик зоҳири² менга аён,
 Пастлигу баландлик ботини³ ҳам бегумон.
 Шунга қарамай бу билимим ҳайф бўлади
 Мастлик мақоми сари юксалсам, ишон!

412

Мендан сиз олиб боринг Муҳаммадга салом,
 Ўрнига қўйиб ҳурматини денг: «Эй имом,

¹ *Гўша* — чекка, хилват жой.

² *Зоҳир* — 1) кўриниб турган, очиқ, ошкор, аён;
 2) ташқи кўриниш, сирт, юза.

³ *Ботин* — ич, ички дунё; кўнгил, руҳ, хаёл.

Нега шариат ачиган айронни ҳалол —
Қилди-ю, бироқ покиза бу майни ҳаром?!»

413

Мен ўзгага меҳримни сочарман қандай?
Ё бошқа муҳаббатга қочарман қандай?
Тарк этмаса ёш ёмғири бир дам кўзни,
Кўзимни бўлак юзга очарман қандай?

414

Қилмасман май ичсам-да мастлик сира ҳам,
Етмайди қадаҳдан ўзгага жабру ситам.
Мақсад шуки менга май ичишдан, билсанг,
То сен каби мен кибру ғурур айламасам!¹

415

Нафсим билан ишим туну кун жанг, не қилай?
Қилмишларидан бўлса дилим танг, не қилай?
Кечирса-да лутф этиб гуноҳимни Худо,
Ўзимни ўзим кечирмасам ман, не қилай?!

416

Олам ишин ошкору ниҳон кўргайман,
Ҳар нарсани беному нишон кўргайман.
Мен қайга назар ташламайин, ўзимнинг
Бечоралигимни бегумон кўргайман.

¹ Бу рубойи Авҳадиддин Анварийга ҳам нисбат берилади.

417

Бир киши чиқиб замон-замон дейди: «Бу —
мен!»

Бойлигини кўз-кўз этибон дейди: «Бу — мен!»

Барча иши ривож топиб турганида,

Ўлим келади-ю, ногаҳон дейди: «Бу — мен!»

418

Кўлимда тиниқ шароб бўлсин доим,

Қошимда наю рубоб бўлсин доим.

Тупроғимдан кўза ясар бўлса кулол,

У тўла шароби ноб¹ бўлсин доим.

419

Бир куни ажал қўлига тушсам ночор,

Бўлсам пати юлинган қушдек абгор,

Тупроғимдан фақат ясангиз кўза,

Майнинг ҳидидан зора тирилсам такрор.

420

Кўп деб менда айбу гуноҳу исён,

Ҳеч узма умидингни — кечиргай Раҳмон.

Маст уйқуга кетсанг-да бугун, афв этади

Эрта тўзиган суякларингни осон.

421

Ёшлик чоғи толиби устод бўлдик,

Устод бўлиб ўзимиз кейин шод бўлдик.

Тупроқдан бўлган эдик ул кун бунёд,

Тупроққа кириб бул кун барбод бўлдик.

¹ Шароби ноб — тоза, тиниқ май.

422

Пок келдиг-у йўқликдан, нопок бўлдик,
Шод келган эдик, бироқ дили чок бўлдик.
Дил ўтини ўчирдик кўз ёши билан,
Елга бериб умримизни хок бўлдик.

423

Сендан кўра, эй муфти¹, омилкормиз²,
Сендан кўра, май ичсак-да, хушёрмиз.
Биз ток қонини ичамиз, сен эл қонини,
Хўш, қай биримиз қонхўру золим бормиз?!

424

Афсуски, беҳуда хароб бўлдик биз,
Чарх дастидан хоки туроб³ бўлдик биз.
Минг дарду надоматки, бир лаҳзадаёқ
Мақсадга етолмайин сароб бўлдик биз.

425

Эй дўсту яқинлар, қўйинг эрта ғамини,
Қадрига етинг умрнинг ҳар бир дамини.
Бу кўҳна жаҳонни эртага тарк этсак,
Аждодлараро топармиз жон ҳамдамини⁴.

¹ *Муфти* — фатво берувчи; шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи.

² *Омилкор* — ишбилармон; оқил, уста.

³ *Хоки туроб* — ер билан яксон, чанг-тўзон, хароб.

⁴ Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган рубоийлар орасида ҳам шу мазмундаги бир рубоий мавжуд.

426

Дунёга иккинчи марта келмас одам,
 Топиб эски дўстларини бўлмас жам.
 Қадрига етайлик ҳар дамнинг, балки
 Бир куни етолмасмиз шу дамга ҳам.

427

Шоҳ тахтию тожини мўмайга сотамиз,
 Тўн, саллани бўлса, чангу найга сотамиз.
 Тасбеҳ — фириб лашкарининг элчисидир,
 Ногоҳ уни бир пиёла майга сотамиз.

428

То қўлни бериб қўлга, эмасмиз ҳамдам,
 Шодлик оёғи остида янчилмас ғам.
 Тонг чоғи саҳарлик майни қилма канда,
 Бу тонг отаверар биз ўтиб кетсак ҳам.

429

Кўп қийнама ризқу рўз дея жонингни,
 Ет қадрига қўлингдаги ҳар онингни.
 Тут косани майга тўлатиб, эрта кулол
 Коса қилмай хоки паришонингни.

430

Булбул ўқигай бугун дoston-дoston,
 Қўлдан қўйма қадаҳни ларзон-ларзон.
 Очилди гулу ғунча, қани, чиқ уйдан,
 Қил бир неча кун сайри бўстон-бўстон.

431

Ғамхона жаҳонда инсон қисмати шу:
 Жон чиққунича чекмоқ дарду қайғу.
 Хуррам дили ким жаҳондан ўтди дарҳол,
 Беғам киши дунёга ҳали келмади-ку!

432

Нокаслар хизматини қилма асло,
 Пашша каби ҳар луқмага қул бўлма ё.
 Кўн озига-ю, чекма биров миннатини,
 Ўзга нонидан жигаринг қони аъло.

433

Эй дунё деб елиб-югурган туну кун,
 Қўйдинг унутиб ҳисоб кунини не учун?
 Йиғ ақлу ҳушингни, яхшилаб ташла назар:
 Чарх ўйнади бошқалар билан қандай ўйин?!

434

Йўқ бу тўгарак жаҳонга ҳадду поён,
 Ундан баҳра топди икки инсон:
 Ё яхши-ёмонидан хабардор бўлган,
 Ё беҳабар ўзию жаҳондан ҳар он.

435

Кетдим — бу жаҳоннинг иши зулму бедод,
 Худдики шамолдир нима қилсанг бунёд.
 Ким бўлса ажалнинг панжасидан озод,
 Бўлсин ўшанинг кўнгли ўлимимдан шод.

436

Ор бизга яхшиликда бўлмоқ машҳур,
 Чарх жабру ситам этса, тутармиз маъзур.
 Узум сувидан маст бўлиш афзал минг қур,
 Ўз тоату зуҳдига бўлишдан мағрур.

437

Дерлар менга: «Май ичишни камроқ қил, кам,
 Борми сабаби май ичишингнинг ҳар дам?»
 «Ёр юзи сабаб бунга, саҳарлик май ҳам,
 Борми яна бир кучли сабаб бундан ҳам?!»

438

Каркас¹ каби сўнтакка қаноат қилсанг,
 Нокас нонини ейишдан афзал, билсанг.
 Миннатли асалга кўз тикишдан яхши
 Ўз арпа нонингдан айланиб-ўргилсанг!

439

Фам қўлига берма шод дилингни ҳеч ҳам,
 Кулфат тошига учрамасин ҳар хуш дам.
 Эрта нима бўлишин билолмас одам,
 Бас, маъшуғу май билан яша хотиржам.

440

Ё Раб, ўзинг ошуфта дилим, маъзур тут!
 Фамдан жигарим тилим-тилим, маъзур тут!
 Майхонага чопган бу оёғимни кечир,
 Май косасига ўч шу қўлим маъзур тут!

¹ Каркас — ўлимтик билан кун кўрувчи йиртқич қуш.

441

Соф майни ичу овла гўзаллар дилини,
 Зоҳиднинг ибодатидан афзал бил уни.
 Жаннат юзини кўрармикан бир кимса,
 Ҳукм айласа дўзахга майхўр элини?!

442

Еч кўзни қамаштирувчи тўнни, дарвеш,
 Суратга эмас, маънога қил ўзни эш.
 Бор, эски фақр шолини¹ кий эгнингга,
 Султон каби сўнг айла кўнглингни хуш.

443

Бечора дилим хастаю ҳам вайрона,
 Ишқдан ҳушёр тортмади жонона.
 Тутганлари кун ошиқликнинг майини
 Тўлди жигарим қони билан паймона².

444

Тингла мени, эй кўпни кўрган доно,
 Қилма беқарор чарху фалакка парво.
 Ўзингга макон тутиб қаноат бурчин,
 Кўр қандай ўйинлар ўйнашини дунё.

445

Кўр бўлмасанг, эй кўз, кўргил мозорни,
 Фитна уйи бўлган олами ғаддорни,

¹ *Фақр шоли* — фақр тўни. Фақр тўнини кийиш — фақр йўлига кириш.

² Нажмиддин Куброга нисбат берилган рубоийлар орасида ҳам шу мазмундаги рубоий мавжуд.

Курт оғзида ой каби гўзал юзларни,
 Ер қаърида подшоҳу вазир, сардорни¹.

446

Бир тоифанинг ҳукмидадир мазҳабу дин,
 Бир тоифанинг кўнглидадир шакку яқин².
 Ногоҳ таралар ғойибдан бир овоз:
 «Эй ғофиллар, на ую на буниси чин!»³

447

Бир ҳўкиз бор фалакда, оти — Парвин⁴,
 Ер остида бошқа битта ҳўкиз тутқун.
 Ақлинг кўзини очу қара синчиклаб,
 Қўш ҳўкиз аро қанча эшак бор — кўргин.

448

Май ич, бу фалак бизни ҳалок этгусидир,
 Қасд айлаб у жонга, дилни чок этгусидир.
 Ултир кўм-кўк ўт узра, соф майдан ич,
 Ўт унсин учун бизни-да хок этгусидир.

449

Бу жон танимизни тарк этган чоғи,
 Бағрига олар бизни бировлар хоки.

¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² *Яқин* — ҳақиқат.

³ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

⁴ *Парвин* — Савр буржидаги юлдузлар туркуми, Сурайё. Бу ерда ўн икки буржнинг иккинчиси Савр (Ҳамал — апрель) — Ҳўкиз ва ер остидаги афсонавий ҳўкиз (гўё замин унинг шоҳлари устида турар эмиш) асосида сўз ўйини қилинмоқда.

Фишт бўлади кейин бировлар гўрига
Бир кун бизнинг-да жисмимиз тупроғи.

450

Май ичсанг, бўлма ақлдан бегона,
Ҳеч қилма жаҳолатга дилингни хона.
Биллур каби май ҳалол бўлишин тиласанг,
Ранжитма бировни, бўлма девона.

451

Дунёда гуноҳ айламаган ким бор, айт?
Мумкинми гуноҳсиз яшамоқ зинҳор, айт?
Сендан-да ёмонликка ёмонлик қайтса,
Борми фарқ ўртамизда, эй Жаббор, айт?!¹

452

Май эским, янги — биз харидор доим,
Дунёни сотишга хасга тайёр доим.
Май бер-у, қаёққа юборай деб сўрама,
Ўзингда-ку эрк, бандаси ночор доим.

453

Камтарлигидан бўлди эл ичра дoston,
Сарв ила суман, билсанг агар, эй инсон.
Юз қўли билан бирови этмас тама,
Юзта тили бўлса-да, бири жим ҳар он.

¹ Бу рубойи Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

454

Беҳуда билимлардан қочган афзал,
Бағрингни гўзалларга очган афзал.
То тўкмасидан фалак сенинг қонингни,
Тупроққа қадаҳ қонини сочган афзал.

455

Бир томчиси кўҳна майнинг ўзи давлат,
Майдан ўзга нарсага қилма рағбат.
Май хумига етмайди Фаридун¹ тахти,
Хум ғишти эса Кай² мулкидан қиммат.

456

Майдан бўлаги бўлгани яксон яхши,
Тутса қўлингга майни-да жонон яхши.
Бўл масту қаландару хароб — қултум май
Ҳар икки жаҳонидан-да чандон яхши.

457

Ё Раб, мени шундайин яратган сен ўзинг,
Маъшуғу маю созга қаратган сен ўзинг.
Қориб зувалам азал кунида шундай,
Дўзахни пешонамга-да битган сен ўзинг.

¹ *Фаридун (Афридун)* — қадимги Эроннинг пеш-
додийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У адо-
лат рамзи ҳисобланади.

² *Кай* — асл, адолатли, ёқимли маъноларида ҳам
келадиган бу сўз қадимги Эрон подшоҳларидан Кай-
ковус, Кайхусрав, Кайқубод, Кайлаҳросплар учун
умумий, муштарак ном сифатида ҳам ишлатила-
ди.

458

Жисмимиз тарҳини чекибсан шундай,
 Юз бир ҳавас уруғин экибсан шундай.
 Бундан яхши бўлолмагайман асло,
 Чунки мени қолипдан тўкибсан шундай.

459

Бир чол кўрдим — маст уйқуга кетган,
 Ақл уйидан шак гўшасига етган.
 У май ичару маст бўлару бир сўз дер:
 «Ҳақ бандаларига доимо лутф этган».

460

Соқоли билан супурса майхонани ким,
 Бир четда ёмон-яхшини кузатса у жим.
 Тўқнашса тўпу чавгондек¹ икки жаҳон,
 Тўпиғига чиқмас — унга ўз кайфи муҳим.

461

Бир томчи эдик пушти камарда пинҳон,
 Шаҳват ўтидан жаҳонга келдик ул он.
 Ҳар бир нафасингни май ичиб, ўтказ хуш,
 Эрта учирар тупроғимизни тўфон.

462

Афсуски, ўтди умримиз беҳуда,
 Шум нафсимиз едирди ҳаром гоҳида.
 Амрини бажармайин гуноҳкор бўлдим,
 Ҳақ олдида юз қора-ю, дил қайғуда.

¹ *Чавгон* — 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ; 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини.

463

Ғамдан тиришар қачонгача пешона?
Ғам-ташвиши қолсин бошидан ордона!
Бизнинг қўлимиздамас бирор-бир ишимиз,
Тақдирга берар тан оқилу фарзона¹.

464

Ўйингда қачонгача намозу рўза?
Майхонада айшингни сур ичиб бўза².
Хайём, ичавер майни, қиларлар бир кун
Тупроғингни гоҳи қадаҳ, гоҳ кўза.

465

Эй беҳабар, олам ишига боқ — ҳечсан!
Бошу охиринг аслида тупроқ — ҳечсан!
Икки йўқлик ичида жисминг ҳудуди,
Тегранг йўқлик, ўртада мутлоқ ҳечсан!

466

Умр истама олтмишдан ортиқ сира ҳам,
То маст бўлмай ҳеч ерга қўйма қадам.
Қўйингда кўза, қўлингда коса бўлсин
Бош косасидан кўза ясалмай то бу дам.

467

Бир кун кулолнинг ишига тушди назар,
Чарх олдида тик турганича кечга қадар,
Султоннинг бошию гадой калласидан
У кўзасининг дастаю бўйнини ясар.

¹ *Фарзона* — оқил, доно, фозил, донишманд.

² *Бўза* — тариқ ва арпадан тайёрланадиган кайф берадиган ичимлик.

468

Май тўла кўзамни чил-чил этдинг-ку, Худо!
 Айш эшигини менга бекитдинг-ку, Худо!
 Оғзим тўлатиб тупроққа, мастмисан-ей,
 Бошига ақиқ майимни етдинг-ку, Худо!

469

Тонг отганидан, жаҳонда ким бахтли киши,
 Майни ичар-у, ҳеч нимага бўлмас иши.
 Юз Жамшиду Кайни тикди тупроқ қатига
 Ёзу куз ўтиб, қишу баҳорнинг келиши.

470

То тўрт мучанг бут экан, ема сира ғам,
 Тақдир уйдан ташқари ҳеч қўйма қадам.
 Ён берма агарда душманинг Рустами Зол¹,
 Дўстинг Ҳотам² бўлса, унга бўлма қарам.

471

Фоҳишага шундай деди бир шайхи кабир:³
 «Сен масту бузуқсан бўлиб нафсингга асир!»
 Фоҳиша дегай: «Мен-ку сен айтгандайман,
 Ўзингнинг ичинг ташинг каби покми ахир?»

¹ *Рустами Зол* — мағлубият нималигини билмаган афсонавий қаҳрамон Рустами дoston. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонларидан бири. Золнинг ўғли.

² *Ҳотам* — сахийлиги ва олийжаноблиги билан Шарқ мамлакатларида донг таратган шахс. Ямандаги Той қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Той номи билан шуҳрат қозонган.

³ *Кабир* — катта, улуғ.

472

Эй еттию тўрт¹ туфайли топдинг-у низом,
 Шу еттию тўрт туфайли оввора мудом.
 Минг марта қулофингга қуйдим: май ич,
 Қайтиб сира келмассан, кетдингми — тамом!

473

Қишлар ўтиб, ортидан баҳорлар етади,
 Умринг варагин ҳар бири йиртиб кетади.
 Бас, май ичу ғам ема — донишманд айтар:
 Дунё ғами заҳру май уни даф этади!

474

Бўлсайди адолат бу фалакнинг ишида,
 Уйғотар эди ишонч у ҳар кишида.
 Дунё ишида ҳам адлу инсоф бўлса,
 Бўлмас камлик фазл аҳли турмушида.

475

Эй кошки бир осуда макон бўлса эди,
 Олис бу йўл охири аён бўлса эди.
 Кошки минг йилдан сўнг тупроқ қатидан
 Орзу гулдек унар замон бўлса эди.

476

Маълум эди бошингга тушар савдо азал,
 Йўлингдаги ҳар бир гову ҳар ғавво азал.
 Сендан сўрамасдан қисматинг бошдан-оёқ
 Ҳал қилган эди Худо ўзи танҳо азал.

¹ Бу ерда еттию тўрт деганда, етти сайёра (Ой, Ато-руд, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал) ва тўрт унсур (тупроқ, сув, ҳаво ва олов) кўзда тутилмоқда.

477

Қўлингда экан қудрату имкону мадор,
 Қолдирма биров кўнглида бир зарра ғубор.
 Хусн давлати ҳеч кимга вафо қилган эмас,
 Бир кун сени ҳам у йиғлатиб кетмоғи бор.

478

То бохабар экансан ҳар асрордан,
 Эй дўст, нега қайғу чекасан бекордан?
 Тақдир иши қўлингда эмас, ҳар лаҳза
 Шод бўл, наф йўқ беҳуда оҳу зордан!

479

Эй, тингла, кулол, агарда бўлсанг ҳушёр,
 Одамлар хокини хор этма зинҳор!
 Кайхусрав кафти, Фаридун бармоғин
 Чархингга қўйибсан, айт, нима қасдинг бор?!

480

Май кўзасининг бировга тегмас зарари,
 Тўлдиру қадаҳга май, узат менга, пари!
 Ҳар дам ғанимат — бизни ҳам ўлсак агар
 Кўза қилади эрта фалак кўзагари.

481

Бир айб тақашар агарда топсанг шуҳрат,
 Хилватга чекинсанг-ку қиларлар ғийбат.
 Ҳеч кимга танилмай, танимай ҳеч кимни,
 Осуда яшашга етмагайдир мингбаъд!

¹ Бу рубоий Авҳадиддин Кирмонийга ҳам нисбат берилади.

482

Даврон ғамидан қачонгача қон бўласан,
 Кўзи тўла ёш, кўнгли паришон бўласан.
 Ич майни-ю, сур айшни-ю, шод юр доим,
 Бу доирадан бир куни гумдон бўласан.

483

Дерлар менга: май ичма, бу — жонга офат,
 Майхўрга жаҳаннам ўти бўлгай қисмат.
 Ҳақдир бу, бироқ икки жаҳонга арзир
 Май ичсанг-у, сархуш юрсанг бир фурсат.

484

Бас бўлса кийим танда, яна ичгали май,
 Маъзур киши бу иккиси деб айласа саъй.
 Дунёдаги бошқа нарсалар, билсанг агар,
 Умрингни бағишлашингга ҳеч арзимагай!

485

Золимлигинг ўзингга аён, эй дунё,
 Сен зулму ситам хонақаҳида танҳо.
 Неъмат берасан ёмонга, яхшига азоб,
 Душман деса кам сени, эшаксан ҳатто!

486

Жисмимни менинг билса агар хос соқий,
 Топса ўзига ҳар феълим мос соқий,
 Май берса, ичиб барчасидан кечгайман,
 Ҳаддимдан оширса мени бехос соқий.

487

Сабр эт бу фалак жабрига, бўл бепарво,
 Май ич, сени куйдирар оловдек дунё.
 Тупроқ эди аввалинг-ку, охир ҳам шу,
 Рад айлама, тупроқ сенга қисмат танҳо.

488

Тут қўлга ақиқ майни равон, эй соқий,
 Турсин жўш уриб кўзада қон, эй соқий.
 Йўқ менга бу дунёда шу майдан ўзга,
 Бир махрами поку меҳрибон, эй соқий.

489

Кошки эди бу жаҳонга мен келмасам-ей!
 Келгач уни тарк этишга шошилмасам-ей!
 Кошки эди ғам тўла хароб дунёга,
 Ҳеч келмасам-ей, турмасам-ей, ўлмасам-ей!

490

Ғар бўлса муяссар менга буғдой нони,
 Бир кўза шароб билан семиз қўй сони,
 Қўйнимда санам бўлса-ю, вайрона — ватан...
 Топмас бу сафони ер юзин султони!

491

Кўнглимга фалак очди сирини пинҳон:
 «Тақдир ишини тўнкама менга, инсон!
 Ўз айланишим агар қўлимда бўлса,
 Чарх урмас эдим мен бу қадар саргардон...»

492

Айтай бир ҳақиқатни агар берсанг йўл:
Қирмиз маю оқбадан малак бирлан бўл!
Оламни яратган зотнинг дарду ғами
Бизнинг бу сочу соқолимиздан мўл...

493

Бир ғамгин кўнгилни қила олсанг шод,
Афзал бу жаҳонни айламоқдан обод.
Бир дилни асир қилсанг агар меҳрингдан,
Яхши минг асирни айламоқдан озод.

494

Зотингни билишга топмади ақл илож,
Тақвою гуноҳимга эмассан муҳтож.
Исёндан мастману умиддан ҳушёр,
Яъни лутфинг умиди бошимга тож.

495

Кўтар қадаҳу кўзани, эй нозли нигор,
Жаннат каби яшнаган гўзал гўшага бор.
Ғаддор бу фалакка одамизод хокидан
Бўлмиш қадаҳу кўза ясаш касбу шиор.

496

Бу ҳусну жамолни қайдан олдинг, дилдор?
Юзингни очиб, ойни уялтирдинг зор.
Байрамда фақат безар гўзаллар ўзни,
Сенинг эса байрамни безар ҳуснинг бор!

497

Кўллайди хасисларни фалак ҳам ҳар он,
Бахш этади ҳаммому ую тегирмон.
Бир луқма таомга зор саховат аҳли,
Бўлса эди яксон бунингдек даврон.

498

Соф май қадаҳ ичра туради хотиржам,
Ақл оёғига банду тушовдир ҳар дам.
Ичган киши майни сира топмайди омон,
Мастлик бу моҳият намойиши ҳам.

499

Йўл узра тузоқ ниҳону ошкор қиласан,
Ким юрса балоларга гирифтор қиласан.
Бир зарра жаҳонда холимас ҳукмингдан,
Ўзинг буюриб, ўзинг гуноҳкор қиласан.

500

Кўзимни қаёққа ташламай, дил яйрар,
Дашту далалар худди биҳиштга ўхшар.
Кавсар каби сувлар оқади нағма билан,
Жаннат ўзи шу — бўлса ёнингда дилбар!

501

Тўпдек тақдир зарбаси остида нуқул,
Гоҳ ўннгаю гоҳ чапга учарсан демагил.
Ким бизни бу ҳолга солди — боисини ҳам
Ул билгаю, Ул билгаю, Ул билгаю, Ул!

502

Ўлигу тирик иши қўлингда ҳар дам,
Соҳиби пароканда бу оламни ҳам.
Ҳар қанча ёмон эсам-да бир бандангман,
Менда не гуноҳ шу хил яралган бўлсам?!

503

Жамшид жоми деб қанча югурдим-елдим,
Кундуз-кеча уни деб юракни тилдим.
Таърифини устоздан эшитгач, ўзим
Ул жоми жаҳоннамо эканман билдим¹.

504

Ҳар лаҳза қўлингда бўлсин май тўла жом,
Шодлик ишини пиширади шу майи хом.
Ўткинчи жаҳон сенга эмас мангу мақом,
Олгил бу ҳаётдан ўз улушингни тамом!

505

Ташвишу ғаминг сира тамом бўлган эмас,
Қўлингга муродинг қуши ром бўлган эмас,
Дунё ишида ҳеч интизом бўлган эмас,
Ҳеч кимнинг иши қойилмақом бўлган эмас.

506

Эй ранжу азоб сени эзибди жуда,
Мунча чекасан жаҳон ғамин беҳуда.
Сен ранжу азобдан излама осойиш,
Сен ғам есанг, ўзгалар бўлар осуда.

¹ Бу рубоий Шайх Рўзбеҳон Буқлий ва Азизиддин Насафийларга ҳам нисбат берилади.

507

Зотинг сени пок айбу гуноҳдан зинҳор,
 Минг бир парда сенга муҳофиз¹ бедор.
 Менинг эса парда ичра минг айбим бор,
 Бўлмас фазлинг туфайли улар ошкор.

508

Эй жон, дилингни чок қилма кўп ҳам,
 Эй ой, ўзингдан тоғни билма кам.
 Сен ўйлаганингдан кўра ҳам қисқа умр,
 Олдингга туганмас иш қўйма ҳеч дам.

509

Елкангга фалак агарда қўйса хизмат,
 Бўйнингга ола кўрмаки, сўнгги ҳасрат.
 Дил берма жаҳонга ҳеч, сени маст айлаб,
 Ёр бўйнига ўзга қўл солар берухсат.

510

Бугун бошинг косаси жойида то,
 Ич косада май топиб дўсти доно.
 Минг косани, шоҳ-гадо бошидан бўлган,
 Бир май қадаҳига эрта олмас ҳатто.

511

Энг яхшиси, бандаи майи хом бўлайик,
 Куйган кишилар қатори бадном бўлайик.
 Ҳал бўлган азалда нима қандай бўлиши,
 Бас, эрта гамига не учун ром бўлайик?!

¹ *Муҳофиз* — муҳофаза қилувчи, сақловчи.

512

Хайём, чиндан танинг мисоли чодир,
 Тан шоҳу унинг мулки эса дунёдир.
 Шоҳ ҳукмига кўра эрта фарроши азал
 Бузиб уни, тиклар ўзга ерда моҳир.

513

Маъшук юзини қилди намоён, соқий,
 Май таркини айлама бирор он, соқий,
 Қуй майни қадаҳларга фаровон, соқий,
 Ҳал бўлган азал барчаси пинҳон, соқий.

514

Солмас нима ҳайратга, эй ўғлон, сўйла?
 Дунё ишини борми билар жон, сўйла?
 Ким кечани ўтказди-ю шодон, сўйла,
 Эртаси куни йиғламади қон, сўйла?!

515

Масжид на муносиб менга, жаннат на раво,
 Қандай ясаган мени — билар ўзи Худо,
 Осий дарвешман ё тубан битта гадо,
 На мулку на хулқ, умиди лутфи-да адо.

516

Ҳар битта замонда аҳли доно бўлган,
 Ҳар битта замонда аҳли дунё бўлган.
 Тупроққа аёғингни авайлаб ташла,
 У илгари бир кўзлари шаҳло бўлган.

517

Инсонликдан агар нишон қолгайдир,
 Жаҳд айла, шу сендан бегумон қолгайдир.
 Ғам чекма, май ич — жаҳон ғамин есин ўша,
 Ўлмаи сира ким мангу омон қолгайдир.

518

Аҳдим шу: яна қирмизи майга етайин,
 Май рангига чеҳрамни-да ҳамранг этайин.
 Бир мушт тушириб қайсар ақлим юзига,
 Ҳушдан айириб, уйқуга солиб кетайин.

519

Жаннатда қилувди ваъда Ҳақ майни мудом,
 Ҳар икки жаҳонда майни ким қилди ҳаром?
 Ҳамза¹ туяси туёғин кесган эди маст,
 Ман этди Расул майни фақат унга тамом.

520

Соқий, орни четга сурайлик энди,
 Зухд шишасини тошга урайлик энди.
 Ҳақгўй ҳаким сўзини тингла, мутриб²,
 Чанг торини маст узиб юрайлик энди.

521

Кўкдан юқори равоғу даҳлиз йўқдир,
 Биздан бошқада ақлу тамиз йўқдир.
 Ғам чекма сира ҳеч нарсанг йўқлигидан,
 Сен бор деганинг аслида ҳар кез йўқдир.

¹ *Ҳамза* — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси.

² *Мутриб* — чолғувчи, созанда.

522

Олдида ажалнинг гову қалқон ҳечдир,
 Бу дабдабаю бойлигу даврон ҳечдир.
 Ҳар яхши-ёмонини жаҳоннинг кўрдим:
 Бир яхшилигидан ўзга ёлғон, ҳечдир¹.

523

Бир дардки ажал, унга сира йўқ дармон,
 Ҳар шоҳу вазирга қилади у фармон.
 Кирмон шоҳи ер эди Кирмон мулкин,
 Емоқда унинг ўзини энди кирмон².

524

Тупроққа қўйиб бошини ухлар деҳқон,
 Соқий, қани қуй — дил май истар ҳар он.
 Орзу юзидан гарду губорларни сидир,
 Ер қаърида қанча-қанча орзу пинҳон.

525

Диллар бари сув бўлди-ю, жонлар бари қон,
 Қолди у ҳақиқат парда ортида ниҳон.
 Илмингдан ақл ожиз, ҳар икки жаҳон
 Сенга тўла-ю, Сендан йўқ ному нишон³.

¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу ерда *Кирмон* — шаҳар ва *кирмон* — қуртлар сўзлари воситасида тажнис санъати ҳосил қилинган. Мазкур рубоий Паҳлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Санойи Ғазнавийга ҳам нисбат берилади.

526

Жамшид жоми бобида ожизсан, ишон,
Таҳқиқ ўрнига этасан шубҳа ҳар он.
Боқ май ича: ҳар зарраси бу тупроқнинг
Бир ойинаи жаҳоннамодир бегумон¹.

527

Бу кўҳна фалак остида биз бечора,
Биз — мисли чумоли, чарх — тешик тоғора.
Қурқуву умид манзилидан гофилмиз,
Ҳўкизу эшакдек гумроҳ, овора².

528

Бошингга нима келса, буриштира юз,
Қўлдан нима кетса, эзма бағринг ҳаргиз³,
Ўткинчи жаҳондан улушинг ол ҳар кез,
Ҳар лаҳза ажалнинг қиличи чунки тез.

529

Зоҳид зуҳди бўлди зиён, эй соқий,
Қадр этди амални ким, қачон, эй соқий?!
Қуй майни қалаҳларга равон, эй соқий,
Ҳал бўлган азал бари ниҳон, эй соқий.

¹ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

² Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

³ *Ҳаргиз* — асло, ҳеч қачон.

530

Сайёралар ўз буржида¹ тенг ҳар асно,
 Ҳар хил кишилар тақдири ерда аммо.
 Чарх иши азал шу — бор, дилингни қил шод,
 Сен деб яратишмас сира бошқа дунё.

531

Дунёга киши келгусию кетгусидир,
 Бундан беҳабар бағрини қон этгусидир.
 Ёлғону яшиқни сўзламай нетгусидир,
 Ҳақнинг сирига банда қачон етгусидир?!

532

Қўлидаги ҳар бир косаси махмурнинг²,
 Мастона юзи, ақиқ лаби суқсурнинг.
 Сув ичган ҳар бир кўзаси фақирнинг,
 Шоҳнинг кўзию, юрагидир вазирнинг.

533

Ҳар кунки, бу олам сари офтоб етади,
 Бир кунини умримизнинг олиб кетади.
 Нақдини ўғирлар умримизнинг ҳар тонг,
 Гар ўғри эмас, машғала тутиб нетади?

¹ *Бурж* — қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн икки юлдузлар туркумининг мажмуи ва уларнинг ҳар бири (Ҳут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв).

² *Махмур* — маст, хумор. *Махмурлик* — беҳудлик мартабаси.

534

Бизга шу замин ибодатхона тушди,
 Ҳар банданинг у дўзахию, биҳишти.
 Бугун сувини ичганинг ушбу кўза
 Эрта бўлади мозоримизнинг ғишти.

535

Чарх айланиши ҳамиша айлар ҳайрон,
 Ақл ожиз унинг моҳиятидан ҳар он,
 Жабридан эмин эмас ҳеч бир инсон,
 Шўрлик вужуди мудом ғамидан ларзон.

536

Ақлинг ила қандайин тириклик қиласан?
 Беҳуда дилингни кеча-кундуз тиласан!
 Устод бўлади сенга муғомбир бу фалак,
 Бошингга урар боплаб — ўшанда биласан.

537

Инсон мизожини яратган кунда,
 Қандай тилаган бўлса, яратди шундай.
 Ким кўп тиласа, бўлди тилакка банда,
 Сен кам тила — оқибат аён-ку кундай.

538

То бир киши бу жаҳонни ташлаб кетмас,
 Ўзга бу тириклик оламига етмас.
 Афзал яшашим масту аласт, чунки фалак
 Гоҳ қўллару гоҳида назар ҳам этмас.

539

Бу дунёда кўп каму кўсту нуқсон,
Шундай яратилган у — бўлма ҳайрон.
Ҳақ йўлига ноҳақликни қўйди қатор,
Тақдирда нима бўлса, бўлар шу ҳар он.

540

Май ич, югурик умр шитобда ҳар дам,
Майнинг зарари йўқ-ку бировга ҳеч ҳам.
Аксинча унинг фойдаси бордир, билсанг,
Ўзингни унуттирар у ичсанг бир дам.

541

Эй хожа, тириклик гами деб бўлма ҳалак,
Кўп кўрди сену мен кабиларни бу фалак.
Дунё нима бўлса-бўлсин — сенга нима?!
Умрингдан улушингни ол-у, бузма пинак.

542

Ҳар жилвага бир назар этиб бўлмайди,
Ҳар нарсага ўздан-да кетиб бўлмайди.
Ҳодий¹ сари йўл-ку мингдан ортиқ, аммо,
Ҳеч биттасидан Унга етиб бўлмайди.

543

Дунё ишига қўшди ҳар ким ҳиссасини,
Қўй, тинглама ҳеч беҳуда бу қиссасини.
Тонг чоғида май ич то узун тунларнинг
У кетсин олиб барча гаму ғуссасини.

¹ *Ҳодий* — ҳидоят қилувчи, ҳақ йўлга бошловчи, раҳнамо, муршид, пешво.

544

Бу дунёда бақо оёғи ларзон,
 Ҳар бир ишнинг бошида аҳли нодон.
 Бор гап бўлишинг жудо ширин айшингдан,
 Аччиқ эса-да хуш ўтгани соз ҳар он.

545

Жисмингга ишонма сира, одам, ҳечдир,
 Гирд айлана ушбу саҳни олам ҳечдир.
 Бу кўҳна фалакнинг остида, бўл хуррам,
 Бир лаҳзага боғлиқмиз-у, ул ҳам ҳечдир.

546

Бу май дармон ким бўлса донишманд,
 Эски сафол ичра уни қўйманг банд.
 Ҳайф шундай яхши майни доно қолиб,
 Нодон мудом ичса-ю, бўлса хурсанд.

547

Бу тоифа мол йиққали саъй этгусидир,
 Жам айлар улар қўлига не етгусидир.
 Менга эса ақл айтар: яхши еб-ич,
 Ноз-неъмат дунёнинг ўтиб кетгусидир.

548

Тақдир кулоли роса тепди гилимиз,
 Ювди бу фалак сўнгра зангу кулимиз.
 Хавфим шуки, ҳал бўлмай бир мушкулумиз,
 Биздан холи қолгуси бу манзилимиз.

549

Бу янги дашт ичра биз эски деҳқон,
Шодлик ҳосилини ўрармиз ҳар он.
Бу дашти фанода лоладек қисқа умр,
Бир лаҳза кулиб, ерга бўлармиз пинҳон.

550

Эй, тонг нурининг манбаи шу оқ юзинг,
Офтобни асир айламиш-ей моҳ юзинг.
Қошинг эшик оғасию, боғлаб бел,
Гўёки қилар хизмати шоҳ юзинг.

551

Тоғорага ўхшаш бу фалак айланади,
У асли-азал шу иш учун сайланади.
Боқ: қўлида бор ўроғи янги ойдек,
Умринг ҳосилин ўриш учун шайланади.

552

Ич майни, ҳисоби озгина бўлгусидир,
Май бирла айшинг созгина бўлгусидир.
Жаннат умидида май ичмас сўфий¹,
Ўйларки, макони хосгина бўлгусидир.

553

Ер остида яхши майни асрар деҳқон,
Қуй менга — дилим тилар шу майни ҳар он.

¹ *Сўфий* — тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

Гардини арит аста тилакнинг юзидан,
Ер остида қанчалаб тилаклар пинҳон.

554

Инсонга бағишлармиш май қайта жон,
Шундан юз ўгирмас оқил ундан ҳеч он.
Майнинг зарари йўғу фақат фойдаси бор,
Бир дам унутиб ўзни, топарсан дармон.

555

Фируза фалак тутмади ҳеч тоза шароб,
Шундан тиланармиз қилиб оввоза шароб.
Бўлмайди муяссар сира — сизнинг қўлдан
Бош косасида қилсак бир кўза шароб!

556

Совурма ҳавога умринг бир даммини,
Май ичу, ема сира ақлнинг ғамини.
У яхшию, бу ёмон деса, тутма қулоқ,
Ҳеч ўйлама дунёнинг кўпу камини.

557

Майхонага қилганча шитоб етдим мен,
Дунёда ёмон-яхшини тарк этдим мен.
Бир хас каби ўйнатса бу дунёни шамол,
Бир арпага тенг билмай уни кетдим мен.

558

Бир лаҳза эмиш бу олам манзилимиз,
Бўлди ситаму дарду бало ҳосилимиз,
Ҳал бўлмади, афсуски, бирор мушкулимиз,
Кетдик ғаму ҳасратга тўлибон дилимиз.

559

Ҳеч чопма эшикдан-эшикка бекор,
 Ҳар яхши-ёмон билан келишмоқ даркор.
 Тақдир тоши агар фалак тахтасига —
 Қандай тушса, ўзгармас у зинҳор.

560

Ғамхона жаҳон шодликка тўлди-ку бас,
 Ҳар бедор дил айлар саҳрони ҳавас.
 Ҳар бир шохда Мусо¹ қўли товланади,
 Ҳар битта нафасда барқ урар Исонафас².

561

Чолғувчию маю дилдор бўлса агар,
 Ҳам оби равону майсазор бўлса агар,
 Бундан ортиқ бўлармикан, ўйлаб кўр,
 Жаннат дегани чиндан бор бўлса агар?!

562

Қўлимда эмас эди жаҳонга келишим,
 Қўлимда эмас қачон жаҳондан кетишим.
 Соқий, қани, бел боғла — жаҳоннинг ғамини
 Май бирла ювиб кетиш менинг бўлди ишим.

¹ *Исо* — Исо алайҳиссалом. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масиҳ — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқага ҳам Масиҳ сифатини бериб, Исонафас дейишади.

² *Ғамхора* — меҳрибон, ғамхўр.

563

Сенинг ўлиминг аслида бир боралиг-ей,
 Бир марта ўл, бу нима бечоралиг-ей?
 Боқ: қону нажосату яна томиру пўст,
 Арзийдими унга шунча ғамхоралиг-ей?!¹

564

Тупроқки, туёғи остида ҳайвоннинг,
 Кафтию санамнинг, юзидир жононнинг.
 Ҳар бир ғиштки, кунгираси айвоннинг,
 Бармоғи вазирнинг ё боши султоннинг.

565

Дунёсида бойлигим агарчи бир тош,
 Шу тош-да менга май туфайли йўлдош.
 Дерлар менга: «Йиққанинг қани эрта учун?»
 Йўқ эди-ку Марямда ҳам ҳеч бир лош!¹

566

Умрингга бу май ўзга ҳаёт бахш этади,
 Тўлдир қадаҳинг бошга гар оғриқ этади,
 Тут менга — жаҳон иши бари афсона,
 Шошил, бу ҳаёт лаҳзада ўтиб кетади.

567

Гар йўқ дилида меҳру муҳаббатдан асар,
 Йўқ фарқи у кофирми, художўйми агар.
 Жаннатдан фориғу дўзахдан озод,
 Ишқ дафтарига кимнинг номини битар.

¹ Лош — бу ерда: нарса.

568

Май ички, ҳамиша қуввати руҳдир у,
 Осойиши жону дили мажруҳдир у.
 Ҳар ёндан босиб келса ғам тўфони,
 Майдан паноҳ изла — кемайи Нуҳдир у.

569

Май тут, санамо, жаҳони ранжу ғамдир,
 Шодлик гули май туфайли хуш-хуррамдир,
 Ёшлик ўтига ишонма, у бир дамдир,
 Бедорлиги бахтнинг уйқуга ҳамдамдир.

570

Дунёда нимаки айладим жам ҳечдир,
 Қўлимдаги умрим ҳосили ҳам ҳечдир,
 Шодлик шами ҳам ёнди-ю бир дам ҳечдир,
 Жам жами эдим, топдим у барҳам ҳечдир.

571

Андоза олибди, эй, юзингдан насрин,
 Чин ҳурлари ҳам юзингдан олган нурин,
 Бобилга¹ бериб шаҳ ғамзанг, четлашмиш
 Оту руху филу пиёда, фарзин.

¹ *Бобил (Вавилон)* — Ироқдаги қадимий шаҳар. Аёлга ошиқ бўлганлари учун Ҳорут ва Морут исмли фаришталар Худо ғазабига учраб, Бобилдаги чоҳ (қудуқ)га ташланган. Бу чоҳни сеҳр манбаи дейдилар. Кимки сеҳру жодудан сабоқ олмоқчи бўлиб чоҳ қошига борса, бу фаришталар унга сеҳргарлик илмини ўргатадилар.

572

Ул кунки, ҳаётимиз дарахти сўлади,
 Бир-биридан аъзолар айри бўлади.
 Тупроғимиз айланса-да май кўзасига,
 Жонга киради агарда майга тўлади.

573

Бу тоифа дунёга келиб хуш бўлди,
 Май ичди-ю, шод бўлди-ю беҳуш бўлди,
 Бир куни ўчиб овози хомуш бўлди,
 Тупроқ қатида бари ҳамоғуш бўлди.

574

Дунё аҳли мисли фалак зарралари,
 Кўкдан иниб, ер қаърига сингар бари.
 Чарх этагию, замин қучоғин, хуллас,
 Маҳшаргача тарк этмас одам болалари.

575

Кон юлдузу сайёрага кўк айвони,
 Ҳар лаҳза ақл аҳли унинг ҳайрони.
 Сен ақлинг асосини йўқотма асло,
 Бу тоифа олам сири саргардони.

576

Майдан мардлик, қувонч, илиқлик етади,
 Бангдан¹ совуқлигу қуруқлик етади.
 Май ичса агар юзи қизаргай кишининг,
 Кўкатдан эса ранги сариқлик етади.

¹ Банг — наша, кўкнори.

577

Бу тоифа мансабга ўтирган маҳкам,
 Жон ташвишини улар чекишмас ҳеч ҳам.
 Ким ўзларидек ҳирсу тама бандасимас,
 Энг қизиғи шундаки, санашмас одам.

578

Май қўлда-ю. сув бўйида бўлган яхши,
 Шодлигу қувонч кўйида бўлган яхши.
 Чунки бу азиз умр ўзи ўн кундир,
 Хуррам яшамоқ ўйида бўлган яхши.

579

Эй соқий, агар кирса қучоғимга санам,
 Тутса май эмас, оби ҳаёт дам-бадам
 Ҳам Зухра муғаннию¹ Масиҳо² ҳамдам,
 Шодлик татимас, бўлмаса дил хотиржам.

580

Ёш тўқди келиб ўт узра йиғлоқи булут,
 Шод этгали дилни қирмизи бодани тут.
 Шул сабза каби кўзни қувонтиргувчи
 Оромгоҳ ўлур бизнинг-да гулзори вужуд...

¹ *Муғанний* — чолғувчи, созанда, мутриб. Тасаввуфда орифлар дилини рамзлар кашфию, ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи — маърифат, қўшиғи — ҳақиқат.

² *Масиҳо(о)* — Исо пайғамбар.

581

Гап-сўз шаҳар ичра ҳар қачон бўлгайдир,
 Дерлар ёрнинг феъли ёмон бўлгайдир.
 Яхши кишидан сира ёмонлик чиқмас,
 Шод бўл, оқибат яхши нишон бўлгайдир.

582

Хок оламида бўлиш керак гўёки хок,
 Бир куни ажал барчани этгуси ҳалок.
 Оламга бугун агарчи бўлсанг устун,
 Эрта сени ўз оғушига олгуси хок¹.

583

Донойи фалак дилда не сир билгусидир,
 Ҳар сўзу ишингни, бўл ҳазир, билгусидир.
 Сен гар бешу олти деб турибсан бунда,
 Қандай қиласан, У бирма-бир билгусидир².

584

Дардингга қидирма ўзгалардан малҳам,
 Дил дардига ҳар нафас ўзинг бўл маҳрам.
 Ёлғиз ўтир, ўз ғамингни чек ёлғиз ўзинг,
 Ўзингга топилмайди ўзингдек ҳамдам³.

¹ Бу рубой Бобо Афзал ва Синжоний Хавофийларга ҳам нисбат берилади.¹ Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

³ Бу рубой Бобо Афзалга ҳам нисбат берилди.

585

Таън этма у дунёдан агар қўрқарман,
 Жонимни беришдан шу қадар қўрқарман.
 Ўлим-ку ҳақ, аммо гуноҳим кўпдир,
 Ўйлаб шуни, мен шому саҳар қўрқарман¹.

586

Сен кибру гурурни сира ҳам этма ҳавас,
 Кибр ила биров бир ерга етган эмас.
 Хурлар сочидек шикасталик¹ одат қил,
 Минг дил сенга мойил бўлади ҳар нафас².

587

Кўн борига-ю, Ҳақни этиб ёд яша!
 Дил берма такаллуфгаю, озод яша!
 Фам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,
 Сендан-да фақирларни кўриб шод яша!³

588

Тоинки ажалнинг жомидан маст бўласан,
 Бу ҳодисалар калтагидан паст бўласан.
 Сармоя шу дунёда йиғ, у дунёда
 Йўқ фарқи: фақирми ё забардаст бўласан⁴.

¹ *Шикаста* — бу ерда мажозан: хоксорлик.

² Бу рубоий Бобо Афзал ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Абу Абдулло Рудакий ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

589

Эй дил, тан гардидан агар пок бўласан,
 Арш узра руҳдек ғайри идрок бўласан.
 Арш узра маконинг-у, уялмай не учун
 Токай асири дунёи хок бўласан¹.

590

Дунёда муродингга етарсан — нима сўнг?
 Умр номасини хатм этарсан — нима сўнг?
 Юз йил яшадинг, дейлик, орзунгга кўра,
 Дунёсидан оқибат кетарсан — нима сўнг?²

591

Эй дилга ёмонлик уруғин жо қилган,
 Тавба қилиб энди, афв таманно³ қилган.
 Сев афвга умид боғлама, зинҳор бўлмас
 Қилган қилмаган, қилмаган гўё қилган⁴.

592

Эй, қуввати жисми нотавонимсан Ўзинг,
 Жону дилим Ўзингу дилу жоним Ўзинг,
 Мавжудлигим, ному нишонимсан Ўзинг,
 Мен сенда йўқ бўлдим — аёнимсан Ўзинг⁵.

¹ Бу рубойи Бобо Афзал ва Жалолиддин Румийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

³ Таманно — орзу, истак, умид.

⁴ Бу рубойи Абу Али ибн Сино, Авҳадиддин Кирмоний ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

⁵ Бу рубойи Бобо Афзал ва Фахриддин Ироқийларга ҳам нисбат берилади.

593

Ҳақ — жони жаҳоннинг-у, жаҳон бўлса —
 бадан,
 Бу танни(нг) сезиш ҳисси малак жинси билан.
 Бор жонсизу жонли мавжудот аъзосидир,
 Тавҳид шу-ю, қолган бариси ҳийла экан¹.

594

То тушмагунича бошингга иш ема ғам,
 Ким кўзлар узоқни, ташвиши кўп чинакам.
 Ўзингга жаҳонни танг этма сира ҳам,
 Шод бўл, ғам ила бўлмас ризқинг кўпу кам².

595

Эй дўст, ўтсин десанг агар вақтим хуш,
 Шайтон каби кимсаларга очма оғуш.
 Бир гўшага кир-у, қил шариатга амал,
 Тиззангга қўйиб бош фикр эт бўлса хуш³.

596

Золим фалак эзгуликка шайланмади ҳеч,
 Инсон тилагига кўра айланмади ҳеч.
 Йўлдан уриш одамни иши асли-азал,
 Солишга бировни йўлга сайланмади ҳеч.

¹ Бу рубоий Абу Али ибн Сино, Авҳадиддин Кирмоний ва Бобо Афзал, Саъдиддин Ҳамавий, Ҳиндуи Туркистонийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Бобо Афзалга ҳам нисбат берилади.

597

Кушман сир оламидан этган парвоз,
 Нокас ўқидан юксакка учсам соз,
 Бу ерда тополмадим бирор маҳрами роз,
 Кирдим бу эшикдан — ундан чиқдим боз¹.

598

Қилма тана дунёдан, юр шод-хурсанд,
 Даврон яхши-ёмонидан уз пайванд.
 Бир қўлда май, бир қўлда ёр зулфини тут,
 Қилмайди вафо умринг — уринма ҳарчанд.

599

Кўзғолди жаҳонда сени деб фитна-финоқ,
 Дарвешни яқин тутдинг-у, бойларни йироқ.
 Сен ҳаммага сўзлайсан-у, кардир ҳамма,
 Сен ҳамма билан-у, ҳамма кўрдир бироқ².

600

Ҳақни тиласанг, хотину фарзанддан кеч,
 Мардона бўл — авлоду пайванддан кеч.
 Ҳар нарса бу дунёда йўлингга банддир,
 Банд ила юриб бўлмас йўл — банддан кеч³.

¹ Бу рубоий Бобо Афзал ва Абдуллоҳ Ансорийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубоий Абусаид Абулхайр, Бобо Афзал, Авҳадий Мароғий, Авҳадиддин Кирмоний, Фахриддин Ироқийларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Бобо Афзал ва Фаридиддин Атторларга ҳам нисбат берилади.

601

Бир куни завол топгуси ҳар олти томон¹,
Шунда маърифат қутқаради сени, ишон.
Сен ҳусни сифат иста — қиёмат кунда
Шу ҳусну сифат шаклида бўлгайсан аён².

602

Шундай йўл юр — биров саломат демасин,
Шундай яша эл ичра, қиёмат демасин.
Шундай бор масжидга борар бўлсанг агар,
Ҳеч ким: «Ўту тўрга, қил имомат!»³—
демасин⁴.

603

Ҳар майса, гиёҳ Ҳақдан нишона берар,
Ҳақ санъатидан садаф дурдона берар.
Муштоқ барча даргоҳи остонасида,
Ўз лутфини то кимга у жонона берар.

604

Хотиржам ўша — кимни агар эл танимас,
Қилгай на суфу⁵ на шоҳи, на фўта⁶ ҳавас.

¹ *Олти томон* — олд, орт, ўнг, чап, юқори, қуйи.

² Бу рубойи Абусаид Абулхайр ва Бобо Афзалларга ҳам нисбат берилади.

³ *Имомат* — имомлик, пешволик.

⁴ Бу рубойи Бобо Афзал ва Синжоний Хавофийларга ҳам нисбат берилади.

⁵ *Суф* — бу ерда: жун, юнг; жундан тўқилган кийим, хирқа.

⁶ *Фўта* — белбоғ.

Ҳар икки жаҳон узра учар симурғдек¹,
У мен каби вайронадаги бойқуш эмас.

605

Хайём, бу фалак агарда чодир ёяди,
Сенинг ҳаётингга сўнгга нуқта қўяди.
Май кўпигидек вужуд қадағига яна
Соқийи азал минг бир Хайём қуяди.

606

Айбу гуноҳим кўпидан иймон қолмас,
Бут аҳлини(нг)² бозори-да яксон — қолмас.
Мезонга³ агар ортса гуноҳим юкини,
Қўрқарман: қиёмат куни мезон бўлмас!

607

Бердим тириклик умидида барбод —
Умримни бирор-бир кун ҳам бўлмай шод.
Қўрқарман бермайди омон деб умрим,
Ҳар қанчаки қисмат қўлидан қилмай дод.

608

Йўқ наф сенга тоат айласам-да ҳар он,
Етмайди гуноҳимдан-да бир нуқсон.
Сенга барибир эмасми шундай бўлгач,
Эрта оласанми ёинки кеч жон?!

¹ *Симурғ* — афсонавий катта ва баҳайбат қуш.

² Бут аҳли — бутпарастлар, бутга сиғинадиган кишилар.

³ Мезон — 1) ўн икки буржнинг еттинчиси;
2) тарози.

609

Майхонада май билан таҳорат оласан,
 Бадном бўлсанг, ёмонлигингча қоласан.
 Чок бўлди чунон номусимиз тўники, бут —
 Бўлмас сира энди қанча ямоқ соласан.

610

Кўрдим иморат бошида бир одам,
 Лойни тепар эди пишитиб мустаҳкам.
 Лой нола чекарки: «Тепма мунча қаттиқ
 Бир кун шундай тепки ейсан сен ҳам!»

611

Ҳеч кимса азалнинг сирига етган эмас,
 Ёз фитратидан ташқари ҳеч кетган эмас.
 Кўрдим кузатиб: толибми ё устод,
 Туғма ожизлигини тарк этган эмас.

612

Эй хожа фақиҳ, сен бу жаҳондан беҳабар,
 Банд айлар ўзини не билан аҳли назар?
 Бу тоифа сўйлар Ҳақу Ҳақ санъатидан,
 Сенга эса иш фисқу фасод шому саҳар.

613

Тонг тунни қувиб, сочди нурын ҳар ёққа,
 Май ич — ҳаёт арзимаиди ҳам чекмоққа.
 Бизга ўгириб юз ҳали кўп тонглар отар,
 Биз-чи, ётамиз юз ўгириб тупроққа.

614

Дейсан неча «Ёсин»у¹ барот², эй соқий,
 Майхонага ёз менга барот, эй соқий.
 Майхонага этсалар баротимни менинг,
 Етмас у кунга шоми барот, эй соқий.

615

Худди беҳабардек бор бўлсанг боҳабар,
 Ичмоқ тиласанг азал шаробидан агар.
 Сен беҳабару беҳабарлик ишинг эмас,
 Ҳар беҳабар одам ҳам бўлмас беҳабар.

616

Май бўлса етар менга, яна паймона,
 Бир луқма таому арпа нон бир дона,
 Ёр бўлсаю ёнимда, макон вайрона,
 Етмайди бунга минг мулки шоҳона!

¹ *Ёсин* — Қуръони каримнинг 36-сураси. Муҳаммад алайҳиссалом уни «Қуръоннинг қалби» деб марҳамат этганлар.

² *Барот* — 1) ҳужжат, ёрлиқ; 2) шаъбон ойининг 15-кечаси — ислом динида у байрам ҳисобланади.



МУНДАРИЖА

<i>Эргаш Очиллов. Хайём рубойларининг</i>	
<i>ўзбекча талқинлари.....</i>	<i>3</i>
<i>Рубойлар</i>	<i>21</i>

[@Badiiykitoblar](#)

Жаҳон шеърляти дурдоналари

Адабий-бадий нашр

УМАР ХАЙЁМ

ТИРИКЛИК ТИЛСИМИ

Муҳаррир *А. Саъдуллаев*

Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Рассом *А. Саидбердиев*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Мусаҳҳиҳ *Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 06.11.2012. Офсет қоғози.

Бичими 70×90^{1/32}. Таймс гарнитурасида офсет усулида

босилди. Шартли босма табоғи 5,85.

Нашр табоғи 4,67. Адади 3000 нусха.

Буюртма №12-343

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz